

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

51-сон
(1071)
2022 йил
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

465. «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармони

Бешинчи бўлим

466. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2022 йил 29 ноябрдаги 326-сон «Вазирликлар, идоралар ва махаллий давлат хокимияти органларига тегишли бўш турган давлат кўчмас мулк обьектларини уларнинг розилигисиз ижарага бериш ёки сотиш учун савдога чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 19 декабрда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 3403)
467. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 17 декабрдаги 29-мҳ-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида

иш юритиши тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2547-5)

468. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 19 декабрдаги 30-мх-сон «Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча харакатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруфи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3235-3)
469. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 30 ноябрдаги 13-2022-сон «Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2791-3)
470. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 6 декабрдаги 14-2022-сон «Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруфи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3211-2)
471. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 23 ноябрдаги 16-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажмини тасдиқлаш ҳақида»ги буйрукка ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3108-2)
472. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 9 декабрдаги 66-сон «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруфи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169-7)
473. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 15 ноябрдаги 62-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг 2022 йил 7 ноябрдаги 29-сон «Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни

легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3101-2*)

474. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 21 декабрдаги 31-мх-сон «Айрим идоравий норматив-хукуқий хужжатларни идоравий норматив-хукуқий хужжатларнинг давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3404*)
475. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 22 декабрдаги 5-сон ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг 2022 йил 21 декабрдаги 75-сон «Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2191-1*)
476. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 24 ноябрдаги 344-В-8-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2022 йил 21 ноябрдаги 31-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартеришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 23 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-8*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хукуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

465 Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланган самарали фаолият юритувчи бошқарув тизимини шакллантириш бўйича кенг кўламли маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди.

Жумладан, давлат органларининг соҳага оид бўлмаган вазифаларини қисқартириш ва фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали уларнинг тузилмаси ўртacha 15 фоизга мақбуллаштирилди, шунингдек, 26 та давлат органлари ва ташкилотларида 40 та раҳбар ўринbosарлари лавозимлари қисқартирилди.

Давлат органлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш ҳисобидан бирократик тўсиқларни қисқартириш ва ахолига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида 30 га яқин турдаги лицензия ва руҳсатномалар бекор қилинди, 70 дан зиёд давлат хизматлари соддалаштирилди, давлат ташкилотлари томонидан 60 дан ортиқ ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинди.

«Электрон ҳукумат» тизимининг фойдаланувчилари сони 4 миллиондан ошиб, у орқали давлат идораларининг 130 дан ортиқ ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида қарийб 350 турдаги хизматлар онлайн шаклда кўрсатилиши йўлга кўйилди.

Янги Ўзбекистон шароитида замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам давлат бошқаруви тизимини шакллантириш, қарор қабул қилиш ва масалани кўриб чиқиш жараёнларини соддалаштириш орқали давлат органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятини натижадорликка йўналтириш, шунингдек, Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси/Хукумат) аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамасининг таркибий тузилмаларидан мустақил равишда Бош вазир билан тўғридан-тўғри ишлиши тизими жорий этилсин.

Белгилансинки, Хукумат аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари:

тегишли соҳада ягона давлат сиёсатини олиб бориш ва уни ривожланти-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 декабрда эълон қилинган.

риш бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун масъул ва жавобгар ҳисобланади;

тизимдаги кадрлар сиёсатининг Вазирлар Маҳкамаси аппаратидан мустақил равишда давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ юритилишини таъминлайди.

2. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар бўйича котибиятлар, департаментлар ва улар хузуридаги бўлимлар, шунингдек, Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси, Ҳарбийлаштирилган тузилмалар фаолиятини молиявий ва моддий-техник таъминлаш бўлими, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш масалалари бўлими тугатилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида:

Бош вазирнинг 4 нафаргача ўринбосарлари лавозими;

Хукумат раҳбари фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлилий ва протокол жиҳатдан таъминлайдиган Бош вазир котибияти ташкил қилинсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг янгиланган ижро этувчи тузилмаси 1-илова-га* мувофиқ тасдиқлансан.

5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда Хукумат ваколатларига оид бошқа долзарб масалаларни (кейинги ўринларда — масалалар) Вазирлар Маҳкамасига киритиш, кўриб чиқиш ва ахборот беришнинг қўйидаги тартиби жорий қилинсин:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва масалалар Хукуматга бевосита вазирлар ва бошқа мустақил ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари томонидан белгиланган тартибда киритилади.

Бунда, давлат иштирокидаги ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа масалалар тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга ошираётган вазир ёки бошқа мустақил ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари орқали киритилади;

б) келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ахборот-таҳлил ва юридик таъминлаш департаментига кўриб чиқиш, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, тартибга солиш таъсири ва манфаатлар тўқнашувини баҳолаш ҳамда ахборот бериш учун киритилади;

в) ахборот беришга тайёр бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа масалалар Вазирлар Маҳкамасида коллегиал тарзда маъқулланади ёки рад қилинади;

г) маъқулланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда, зарур ҳолларда, бошқа масалалар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилади (ёки қабул қилинади);

д) Вазирлар Маҳкамасида масалаларни коллегиал тарзда кўриб чиқиша, заруратга кўра, оммавий ахборот воситалари таклиф қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов) бир ой муддатда мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, киритиш, кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишишнинг аниқ тартиби ва муддат-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларини, уларнинг ижросини назорат қилишни назарда тутувчи Ҳукуматнинг янгиланган регламентини киритсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Бош вазирнинг амалдаги ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси ва унинг ўринбосарлари янги тизим ишга тушгунга қадар юклатилган вазифаларнинг тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тузилмаларини мақбуллаштириш муносабати билан бўшаётган маблағлар Бош вазир котибияти ўрнак кўрсатган бошқарув ходимларининг натижадорлиги асосида қўшимча рафбатлантиришга йўналтирилади.

Адлия вазирлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Вазирлар Маҳкамасида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларининг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби;

амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлардан келиб чиқиб комиссиялар, кенгашлар, ишчи гурухлар ва бошқа коллегиал органларга раҳбарларни қайта тақсимлаш бўйича таклиф киритсин.

7. Бош вазирга қўйидаги хуқуқлар берилсин:

масалаларни тартибга солиш ва устувор вазифаларни ҳал қилишнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Бош вазир котибиятининг умумий штатлари сони доирасида унинг ижро этувчи тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

иктисодиёт ва ижтимоий соҳанинг долзарб йўналишларини ўрганиш ва улар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун ишчи гурухлар ва келишув комиссиялари ташкил қилиш;

Бош вазир котибиятининг ўрнак кўрсатган бошқарув ходимларини натижадорлик асосида қўшимча рафбатлантириш учун маблағлар миқдорларини белгилаш.

8. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов) бир ой муддатда:

Бош вазир ўринбосарларининг функционал вазифаларини тасдиқлаш;

Бош вазир котибиятининг штат жадвалини тасдиқлаш;

Бош вазир котибияти тўғрисидаги, унинг барча бўлинмалари функциялари, ваколатлари, хуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини батафсил белгилаб берувчи низомни ишлаб чиқиш;

Бош вазир котибиятининг янги ташкил этилган таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

фаолияти тугатилаётган таркибий бўлинмаларнинг ходимларини вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларда раҳбар ва масъул лавозимларга тайинлаш бўйича чоралар кўрсинг, зарур ҳолларда, таклиф киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги кенгашининг Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларининг биринчи босқичи доирасида 2023 йил 1 январдан бошлаб ихчам, профессионал бошқарув тамойилларига асосланган ва самарадорликка йўналтирилган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вазирликлар, қўмиталар,

агентликлар ва инспекцияларни ўз ичига оладиган яхлит тизимини шакллантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

10. Белгилансинки:

вазирлик — тегишли соҳаларда ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, муайян йўналишда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳамда тизимдаги раҳбарий фаолиятни яккабошлиқ асосида ташкил этадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи хисобланади;

қўмита — тегишли соҳа ичидаги тармок фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи ҳамда тизимдаги раҳбарий фаолиятни коллегиал асосда ташкил этадиган, шунингдек, вазирликнинг ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи хисобланади;

агентлик — асосий вазифаси сифатида тегишли соҳада давлат хизматларини кўрсатиш ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа хукуқни қўллаш функцияларини амалга оширувчи, шунингдек, вазирлик ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи хисобланади;

инспекция — асосий вазифаси сифатида тегишли соҳа ва тармоқларда давлат назорати ва текширувни амалга оширувчи, шунингдек, вазирлик ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи хисобланади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ алоҳида мақомга эга ҳамда бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамасига бўйсунадиган қўмита, агентлик ва инспекциялар ташкил этилиши мумкин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги кенгашининг Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларининг биринчи босқичи доирасида 2023 йил 1 январдан бошлаб мустақил фаолият юритувчи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг сонини 61 тадан 28 тагача, шу жумладан вазирликлар сонини 25 тадан 21 тагача қисқартириш бўйича таклифи маъқуллансин.

12. Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамаси тизимини қўйидаги вазирликлар ташкил этади:

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги;

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги;

Табиат ресурслари вазирлиги;

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;

Сув хўжалиги вазирлиги;

Рақамли технологиялар вазирлиги;

Адлия вазирлиги;

Транспорт вазирлиги;
 Маданият ва туризм вазирлиги;
 Мудофаа вазирлиги;
 Энергетика вазирлиги;
 Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
 Ташки ишлар вазирлиги;
 Ички ишлар вазирлиги;
 Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

13. Қуидагилар:

2023 йил 1 январдан бошлаб қайта ташкил этилаётган республика давлат бошқаруви органларининг рўйхати 2-иловага мувофиқ;

2023 йил 1 январдан бошлаб вазифа ва функциялари тегишли вазирлик ва идораларга ўтказилган ҳолда тугатилаётган республика давлат бошқаруви органларининг рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

2023 йил 1 январдан бошлаб ташкилий бўйисунуви ўзгараётган республика давлат бошқаруви органларининг рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, мазкур Фармон доирасида штат бирликларини мақбулаштириш натижасида бўшайдиган маблағлар ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилади.

14. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов) бир ҳафта мuddатда:

ушбу Фармонга мувофиқ қайта ташкил этилаётган республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар режа-графиги;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини тартибга соловчи намунавий низомни тасдиқласин.

Бунда, республика ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари масъулият доираси ҳамда республика, вилоят ва туман даражасидаги бўлинмаларнинг вазифа ва функцияларини аниқ чегаралаш, шунингдек, худудлар кесимида фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда иш кўрсаткичлари (индикаторлари) белгилансин.

15. 2023 йил 1 январдан бошлаб республика ижро этувчи ҳокимият органларининг самарали иш фаолиятини йўлга қўйиш учун масъулиятини яна-да ошириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳар бир республика ижро этувчи ҳокимият органининг йил давомида эришиши зарур бўлган мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) белгиланади;

республика ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари ҳар йил бошида ўзининг ўринбосарлари кесимида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш бўйича ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиб, жамоатчиликка тақдим қиласи;

ҳаракатлар дастурига асосан республика ижро этувчи ҳокимият органининг худудий бўлинмалари раҳбарлари мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш бўйича худудий ривожланиш дастурини ишлаб чиқиб, жамоатчиликка тақдим қиласи;

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

республика ижро этувчи ҳокимият органи ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари йил якунига қадар ҳаракатлар ва ҳудудий ривожланиш дастурлари амалга оширилиши ва мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш ҳолати юзасидан ҳисобот бериши ва очиқ эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилади.

Белгилансинки, республика ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда жамоатчиклик олдида бевосита ҳисобдор бўлади.

16. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг институционал мустақиллигини ошириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ташкилий тузилмаси, штат бирликлари ва раҳбар ўринbosарларининг сони, шунингдек, фаолият йўналишлари белгилаб берилади.

Бунда:

марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмалар тузилмаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаш амалиёти бекор қилинади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларига ажратилган маблағлар доирасида ҳамда белгиланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларнинг тузилмаси ва штат бирликларини тасдиқлаш ҳукуқи тақдим этилади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларига ҳудуддаги эҳтиёж ва шароитлардан келиб чиқиб, муайян вилоят ёки туман (шахар) бўлинмаларини ташкил этиш ёки уларни туманлараро (вилоятлараро) шаклда тузиш ваколати берилади.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда республика ижро этувчи ҳокимият органлари тузилмасида ташкил этилиши мажбурий бўлган бўлинма ва лавозимлар рўйхати, уларга бўлган мезонлар ҳамда раҳбар ва ижрочи ходимлар ўртасидаги нисбат бўйича меъёрларни белгилашни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлигининг кенгashi мазкур Фармон амалга оширилишини мувофиқлаштириш ҳамда қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш учун масъул этиб белгилансин:

ижро этувчи ҳокимият органлари штат бирликлари, шу жумладан раҳбар лавозимларини 30 foizgacha мақбуллаштириш ва адолатли меҳнатга ҳак тўлаш тизимини жорий этиш;

маъмурий ислоҳотлар доирасида трансформация қилинаётган ижро этувчи ҳокимият органларининг мазкур Фармонда белгиланган янги талаблардан келиб чиқсан ҳолда самарали фаолиятини йўлга қўйиш;

раҳбарларнинг молиявий ва институционал мустақиллигини ошириш орқали ҳудудлар билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг функцияларини тартибга солиш орқали уларни камида 10 foizga қисқартириш;

хусусий секторга ўтказиладиган давлат функциялари сонини камида З баробарга ошириш, давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг механизмларини кенг жорий этиш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг тизимида раҳбар ва ижрочи ходимларнинг муносаб нисбатига эришиш;

раҳбарларнинг аҳоли таклифлари асосида фаолиятини йўлга қўйиш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини кучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлигининг кенгаси (С.У. Умурзаков) мазкур Фармондан келиб чиқсан ҳолда маъмурий ислоҳотлар биринчи босқичида республика ижро этувчи ҳокимият органларини 2023 йил 1 январга қадар, иккинчи босқичида эса маҳаллий давлат ҳокимияти органларини 2023 йил 1 апрелга қадар ислоҳ қилиш бўйича чоралар кўрилишини таъминласин.

18. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов) 2023 йил 1 февралга қадар мазкур Фармон талабларидан келиб чиқсан ҳолда, қўйидагиларни назарда тутивчи «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасини киритсин:

Хукумат аъзоларининг Бош вазир билан тўғридан-тўғри ишлаш механизmlарини белгилаш, уларнинг Вазирлар Маҳкамасида қарорлар қабул қилиш жараёнидаги мақомини ошириш;

худудлар, инфратузилма, иқтисодиёт, молия, пул-кредит, шунингдек, ижтимоий соҳанинг ривожланишини таъминлашда Хукуматнинг масъулиятини тубдан ошириш;

Хукумат аъзоларининг бошқарув, кадр, молия ва бошқа ўналишлардаги мустақиллигини ошириш ва масъулиятини кучайтириш;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, шу жумладан худудий бўйинмалар кесимидағи ҳар бирининг мақоми, уларни ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ тартиби ҳамда бир-биридан фарқловчи мезонларни белгилаш.

19. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари кенг ёритилишини ташкил этсин.

20. Адлия вазирлиги бир ой муддатда ушбу Фармондан келиб чиқиб, қонунчилик хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан таклифлар киритсин.

21. Фармон ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазiri А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 декабрь,
ПФ-269-сон

БЕШИНЧИ БЎЛIM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУФИ

466 Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли бўш турган давлат кўчмас мулк обьектларини уларнинг розилигисиз ижарага бериш ёки сотиш учун савдога чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3403*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи ПҚ-168-сон «Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли бўш турган давлат кўчмас мулк обьектларини уларнинг розилигисиз ижарага бериш ёки сотиш учун савдога чиқариш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан келишилган.
3. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. ОРТИКОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 29 ноябрь,
326-сон

Келишилди:

*Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазири*

Д. КУЧКАРОВ

2022 йил 31 октябрь

* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 19 декабрда эълон қилинган.

Молия вазири

2022 йил 29 ноябрь

*Кадастр агентлиги
директори*

2022 йил 1 ноябрь

*Т. ИШМЕТОВ**Ф. ПУЛАТОВ*

Ўзбекистон Республикаси
 давлат активларини бошқариш агентлиги
 директорининг 2022 йил 29 ноябрдаги
 326-сон бўйруғига
 ИЛОВА

**Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти
 органларига тегишли бўш турган давлат кўчмас мулк
 объектларини уларнинг розилигисиз ижарага бериш ёки
 сотиш учун савдога чиқариш тартиби тўғрисидаги
 НИЗОМ**

Мазкур Низом вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли бўлган, уч ойдан ортиқ муддат давомида фойдаланилмасдан бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини (бундан ижтимоий соҳа объектлари мустасно) уларнинг розилигисиз ижарага бериш ёки сотиш учун савдога чиқариш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

балансда сақловчи — бўш турган давлат кўчмас мулк объектини балансида сақловчи вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари (бундан буён матнда объект деб юритилади) — вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли бўлган, тугалланмаган қурилиш объектлари, бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, шу жумладан умумий майдонининг 50 фоизидан кўпроғидан (бир нотурап жой доирасида) товарлар ишлаб чиқаришда (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) фойдаланилмаётган объектлар (бундан мавсумий ишлар амалга ошириладиган объектлар мустасно);

ижтимоий соҳа объектлари — давлат мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим, профессионал ва олий таълим муассасалари, кинотеатрлари, клублари, концерт-томуша кўрсатиш муассасалари, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва кинолаштириш объектлари (бундан ушбу соҳада-

ги вазирликлар, идоралар ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларининг маъмурий бинолари мустасно);

ижараага берувчи — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг ҳудудий бошқармалари;

сотувчи — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ахборот тизими (бундан буён матнда ахборот тизими деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг «Давлат мулки» ахборот тизими бўш турган обьектлар модули;

«E-auktion» электрон савдо платформаси (бундан буён матнда электрон онлайн-аукцион деб юритилади) — электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун зарур ахборотни киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек истаги бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг бундай аукцион ва танловлар жараёнига кириши ҳамда уларда қатнашиш имконини таъминлайдиган ахборот тизими.

2. Объектларни вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг розилигисиз ижарага бериш ёки сотиш учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш мазкур Низомнинг иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Объектни ижарага бериш ёки савдога чиқариш учун тайёрлаш

3. Ижарага берувчи томонидан объектларни аниқлаш мақсадида доимий равишда жойларга чиқсан ҳолда хатлов ўтказилади.

Хатлов давомида аниқланган объектнинг номи, майдони, манзили, балансда сақловчиси, геолокацияси, ҳолати ва фотосуратлари объект аниқланган кундан бошлаб бир иш куни ичida ахборот тизимига киритилади.

4. Ижарага берувчи объект хақидаги маълумотларни ахборот тизимига киритган кундан бошлаб уч иш куни ичida объектнинг балансда сақловчисига огоҳлантириш хати юборади.

Огоҳлантириш хатида балансда сақловчи томонидан объектдан уч ой муддат ичida самарали фойдаланилиши ҳамда бу ҳақда ижарага берувчига маълумот тақдим этилиши, шунингдек ушбу талабга риоя қилинмаган тақдирда, объект белгиланган муддат ўтганидан сўнг ижарага бериш ёки сотиш учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилиши кўрсатилади.

5. Объект ахборот тизимига киритилган кундан бошлаб уч ой муддат ичida балансда сақловчи томонидан ундан самарали фойдаланилаётганлиги ҳақида маълумот тақдим этилмаган бўлса, мазкур муддат ўтган кундан бошлаб икки иш куни ичida ижарага берувчи ва сотувчининг масъул ходимлари томонидан объект жойига чиқсан ҳолда кўздан кечирилади ҳамда қўйидагилар ўрганилади:

объектнинг жойлашган жойи;
ихтисослиги (агар мавжуд бўлса);

мулкчилик шакли;
 холати (фойдаланишга яроқлилиги);
 балансда сақловчиси (мулкдори);
 объектнинг кадастр ҳужжатларига мувофиқ умумий ер майдони ҳамда бино-иншоотлар эгаллаган майдони;
 объектнинг бўш турган муддати (объектнинг бўш турганлиги биринчи марта аниқланган кундан бошлаб ҳисобланади);
 объектдан келгусида самарали фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори мавжудлиги, шунингдек объектни қонуничилик ҳужжатлари билан тасдиқланган хусусийлаштириш дастурларига, шу жумладан тармоқ жадвалига киритилганлиги;
 объектнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги;
 объектга нисбатан тақиқнинг (чекловнинг) мавжудлиги.

Объект бўйича кўчмас мулкка бўлган хуқуқларнинг давлат реестридан электрон кўчирма идораларо электрон ҳамкорлик қилиш воситасида ахборот тизими орқали олинади.

6. Объектни ўрганиш жараёнида балансда сақловчи объектдан келгусида фойдаланишга эҳтиёжи мавжудлиги, шу жумладан камида 5 йиллик демографик ўсиш даражасини инобатга олган ҳолда аниқ ҳисоб-китобларга асосланган таклифларини ижарага берувчи ва сотувчининг масъул ходимларига тақдим этиши мумкин.

7. Объектни ўрганиш натижасига кўра, ижарага берувчи ва сотувчининг масъул ходимлари томонидан далолатнома расмийлаштирилади.

Далолатномада объект ҳақидаги барча маълумотлар кўрсатилган ҳолда унинг ихтисослигидан келиб чиқиб объектни ижарага бериш ёки сотиш зарурлиги тўғрисида хulosса назарда тутилади.

8. Объектни ижарага бериш зарурлиги тўғрисида хulosса чиқариш учун қўйидагилар асос бўлади:

объектдан келгусида самарали фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори мавжудлиги, шунингдек объектни қонуничилик ҳужжатлари билан тасдиқланган хусусийлаштириш дастурларига, шу жумладан тармоқ жадвалига киритилганлиги;

балансда сақловчи томонидан объектдан келгусида фойдаланишга эҳтиёжи мавжудлиги, шу жумладан камида 5 йиллик демографик ўсиш даражасини инобатга олган ҳолда аниқ ҳисоб-китобларга асосланган таклифлар тақдим этилганлиги.

Мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида белгиланган объектни ижарага бериш тўғрисида хulosса чиқариш учун асос бўладиган ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, объектни сотиш учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тўғрисида хulosса қилинади.

9. Ижарага берувчи далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб

бир иш куни ичидаги ўрганиш натижаларини, шу жумладан обьектни сотиш ёки ижарага бериш учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилиши ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимиға киритади ҳамда бу хақда шу куннинг ўзида балансда сакловчига хабарнома юборади.

3-боб. Объектни ижарага бериш ёки сотиш учун савдога чиқариш

10. Ижарага берувчи обьектни ижарага бериш учун ахборот тизимиға киритилган кундан бошлаб икки иш куни ичидаги обьектнинг фойдаланиш соҳаси, бошланғич нархи ҳамда ижарага бериш муддатини белгилаган ҳолда электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқаради.

11. Ижарага берувчи томонидан обьектни ижарага бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Объект сотиш учун ахборот тизимиға киритилганда, сотувчи томонидан уни сотишдан олдин тайёрлаш ва савдога чиқариш Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кўчмас мулк обьектларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

13. Объектни сотиш учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тўғрисидаги қарор қўйидагилар томонидан қабул қилинади:

бинолари ва иншоотларининг умумий майдони 2000 квадрат метргача бўлган ва стратегик аҳамиятга эга бўлмаган обьектлар бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари;

бинолари ва иншоотларининг умумий майдони 2000 квадрат метрдан ортиқ, аммо 5000 квадрат метрдан кўп бўлмаган ва стратегик аҳамиятга эга бўлмаган обьектлар бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари;

бинолари ва иншоотларининг умумий майдони 5 000 квадрат метрдан ортиқ ва стратегик аҳамиятга эга бўлган обьектлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси.

14. Объектни электрон онлайн-аукцион савдоларида ижарага бериш ва сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган «E-auksion» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4-боб. Якуний қоида

15. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини уларнинг розилигисиз ижарага бериш ёки сотиш учун савдо га чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини уларнинг розилигисиз ижарага бериш ёки сотиш учун савдога чиқариш СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Ижарага берувчи	Объектларни аниқлаш максадида жойларга чиқкан холда хатлов ўтказади.	Доимий
2-босқич	Ижарага берувчи	Хатлов давомида аниқланган обьектнинг номи, майдони, манзили, балансда сақловчиси, геолокацияси, ҳолати ва фотосуратларини ахборот тизимига киритади.	1 иш куни
3-босқич	Ижарага берувчи	Объектнинг балансда сақловчисига огохлантириш хати юборади.	3 иш куни
4-босқич	Ижарага берувчи ва сотувчи	Объект ахборот тизимига киритилган кундан бошлаб уч ой муддат ичда балансда сақловчи томонидан ундан самарали фойдаланилаётгандилиги ҳакида маълумот тақдим этилмаган бўлса, обьектни жойига чиқкан холда кўздан кечиради, у ҳақидаги маълумотлар ўрганиди ҳамда натижасига кўра далолатнома расмийлаштиради.	2 иш куни
5-босқич	Балансда сақловчи	Объектдан келгусида фойдаланишга эҳтиёжи мавжудлиги, шу жумладан камида 5 йиллик демографик ўсиш даражасини инобатга олган холда аник ҳисоб-китобларга асосланган таклифларини ижарага берувчи ва сотувчининг масъул ходимларига тақдим этади.	заруратга кўра
6-босқич	Ижарага берувчи	Ўрганиш натижаларини, шу жумладан обьектни сотиш ёки ижарага бериш учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилиши ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимига киритади ҳамда бу ҳақда балансда сақловчига хабарнома юборади.	1 иш куни
7-босқич	Ижарага берувчи	Объектнинг фойдаланиш соҳаси, бошлангич нархи ҳамда ижарага бериш муддатини белгилаган холда электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқаради.	2 иш куни
8-босқич	Сотувчи	Объект сотиш учун ахборот тизимига киритилганда, уни сотишдан олдин тайёрлаш ва савдога чиқаришни Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон карори билан тасдиқланган Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади.	белгиланган муддатда

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ**

467 **Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари-
да иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгар-
тиришлар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2547-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартағи ПФ-6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфра-тузилмасини такомиллаштириш ва ахолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 17 мартағи ПФ-89-сон «Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги 704-сон «Турғилганликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2022 йил 25 февралдаги 89-сон «Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2022 йил 28 сентябрдаги 540-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тартибларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 31 декабрдаги 400-мҳ-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2547, 2013 йил 31 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2022 йил 17 декабрь,
29-мҳ-сон

А. ТАШКУЛОВ

* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 17 декабрдаги
29-мҳ-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш
юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Йўриқноманинг матни мазкур ўзгартиришларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.
2. 1 ва 1а-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 2-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.
3. 1б-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.
4. 2 — 74-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 3-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.
5. Мазкур ўзгартиришларнинг 4-иловасига* мувофиқ таҳрирдаги 75-ило ва билан тўлдирилсин.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини
ёзиш органларида иш юритиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

**«Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида
иш юритиш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида (бундан буён матнда ФҲДЁ органлари деб юритилади) иш юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Туман ва шаҳар ФҲДЁ бўлимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг (бундан буён матнда ҳудудий адлия бошқармалари деб юритилади) ФҲДЁ архивлари (бундан буён матнда ФҲДЁ архивлари деб юритилади) ФҲДЁ органлари хисобланади.
2. ФҲДЁ органлари қўйидаги ҳаракатларни амалга оширади:
туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ва ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувларини (бундан буён матнда далолатнома ёзувлари деб юритилади) қайд этиш;
далолатнома ёзувларини тиклаш;

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да эълон қилинган.

далолатнома ёзувларини ўзгартириш, тузатиш ва тўлдириш.

ФХДЁ органлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 203-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий ёки вақтинча яшовчи фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномалари консул томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қайд этилади.

4. Далолатнома ёзувлари фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-картаси, хорижга чиқиши паспорти, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки ҳарбий билети (бундан бўён матнда шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар деб юритилади) асосида қайд этилади.

5. Далолатнома ёзувлари «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими (бундан бўён матнда электрон ахборот тизими деб юритилади) орқали қайд этилади.

Далолатнома ёзувлари бир нусхада тузилади ва ФХДЁ органларида қайд этилган вақтдан бошлаб етмиш беш йил мобайнида сақланади.

Далолатнома ёзувлари электрон ахборот тизимида қайд этилганда, уни қайд қилган ФХДЁ органи ходимининг лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда маълумотлар киритилган сана кўрсатилиши лозим.

Далолатнома ёзувларининг электрон ва қофоз шаклларига ўзгартиришлар бир вақтда киритилади.

Ўлимни қайд қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 89-сон қарори билан тасдиқланган Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ амалга оширилганда, ФХДЁ органи ходими электрон ахборот тизими орқали ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви автоматик равища қайд этилган вақтдан бошлаб бир иш куни давомида ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувларини қофоз шаклида чоп этади ва белгиланган тартибда сақланишини таъминлайди.

6. Далолатнома ёзувларини қайд этиши зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилгандан ҳамда тегишли давлат божи ва герб йифими тўлангандан сўнг амалга оширилади, ариза берувчи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат божи ва герб йифими тўлашдан озод этилган ҳоллар бундан мустасно.

Далолатнома ёзувларини қайд этишда ариза берувчиларнинг шахсан иштироки талаб этилади, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

7. ФХДЁ органлари томонидан мазкур Йўриқноманинг 2-бандида кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш натижасида туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ва ўлим ҳақида гербли гувоҳномалар (дастлабки ва такрорий равища) берилади.

ФХДЁ органларида гербли гувоҳномаларнинг тугаб қолиши далолатнома ёзувларини қайд этмасликка асос бўлмайди ва далолатнома ёзувлари белгиланган тартибда қайд этилади. Бунда далолатнома ёзувининг гербли гувоҳнома рақами ёзиладиган жойи очиқ қолдирилиб, «Белгилар учун» устунида гербли гувоҳнома берилмаганлиги ҳақида ёзиб қўйилади ҳамда далолатнома ёзуви қайд этилганлиги ҳақида маълумотнома берилади. Кейинчалик гербл

ли гувоҳнома тўлдирилганда, далолатнома ёзувига гувоҳноманинг рақами, серияси ва унинг берилган санаси ёзиб қўйилади.

8. ФХДЁ органларида хужжатлар мазкур Йўриқноманинг 1-1а-иловалирида кўрсатилган ФХДЁ органларида юритилиши лозим бўлган хужжатлар номенклатурасига мувофиқ юритилади.

2-боб. Гербли гувоҳномаларни ҳисобга олиш, сақлаш ва сарфлаш

1-§. Гербли гувоҳномаларни кирим қилиш ва топшириш

9. Гербли гувоҳномаларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат унитар корхонасидан (бундан бўён матнда «Давлат белгиси» ДУК деб юритилади) қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш (жўнатиш) Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан Адлия вазирлигининг (бундан бўён матнда Вазирлик деб юритилади) Ишлар бошқармаси масъул ходими зиммасига юклатилади.

«Давлат белгиси» ДУКдан қабул қилинган гербли гувоҳномалар Вазирлик масъул ходими томонидан шу куннинг ўзида мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги Қабул қилинган гербли гувоҳномаларни кирим қилиш дафтарига кирим қилинади.

Адлия бошқармаларида гербли гувоҳномаларни Вазирликдан қабул қилиб олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш адлия бошқармалари бошлиқларининг буйруғи билан 5 кишидан иборат таркибда тузилган комиссия (бундан бўён матнда комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Комиссия таркибида адлия бошқармаларининг масъул ходимлари киритилади. Адлия бошқармаси бошлиғининг ФХДЁ органлари фаолиятини мувофиқлаштиришга масъул ўринбосари комиссия раиси ҳисобланади.

Адлия бошқармасининг Давлат хизматлари марказлари ва ФХДЁ органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими масъул ходими комиссия котиби ҳисобланади.

10. Комиссия томонидан гербли гувоҳномалар уларнинг ўрамлари сони ва ўрам ёрлигининг бутунлиги текширилган ҳолда қабул қилинади. Агар ўрамлар бузилган бўлса, ўрам ёрлиғида кўрсатилган гербли гувоҳноманинг сони тўғрилиги, шунингдек гувоҳномалар сони юхат билан тўғри келиши текширилиши ҳамда бу ҳақда уч нусхада далолатнома тузилиши лозим.

11. Қабул қилинган гербли гувоҳномалар комиссия томонидан шу куннинг ўзида электрон ахборот тизими орқали мазкур Йўриқноманинг З-иловасига мувофиқ шаклдаги Вазирликдан қабул қилинган гербли гувоҳномаларни кирим қилиш электрон дафтарига кирим қилинади.

Адлия бошқармасидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар ФХДЁ органларида, ФХДЁ органларидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар шахарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинларида (бундан бўён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) электрон ахборот тизими орқали мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги Адлия бошқармасидан (ФХДЁ органи-

дан) қабул қилинган гербли гувоҳномаларни кирим қилиш электрон дафтарига кирим қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари нинг 4-бандига асосан Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари ҳамда дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари (бундан бўён матнда консуллик муассасалари деб юритилади) фуқаролик ҳолати далолатномаларининг ёзув бланкалари ва бошқа ҳужжатлар билан Вазирлик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан таъминланади.

12. Адлия бошқармасида гербли гувоҳномаларни ФХДЁ органларига (Тошкент шаҳар адлия бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ҳам), ФХДЁ органларида эса фуқаролар йиғинларига тарқатиш электрон дафтарлари юритилади.

13. Гербли гувоҳномалар ФХДЁ органларига адлия бошқармалари томонидан, фуқаролар йиғинларига ФХДЁ органлари томонидан келгуси чорак учун эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда берилади.

Бунда, гербли гувоҳномалар ФХДЁ органлари раҳбарларига (фуқаролар йиғини раисларига), улар вақтинча бўлмаганда (хизмат сафари, меҳнат таътили, касаллик ва ҳ. к.) тегишли бўйруқ билан уларнинг вазифасини бажариш вақтинча юқлатилган ходимга топширилади ҳамда мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги Гербли гувоҳномаларни тарқатиш электрон дафтарига гербли гувоҳномаларни қабул қилган ходимнинг лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми ёзиб қўйилади.

14. Гербли гувоҳномаларнинг ҳисобга олиниши, сақланиши ва сарфланиши бўйича масъулият адлия бошқармасида бошлиқнинг ФХДЁ органлари фаолиятини мувофиқлаштиришга масъул ўринбосари, ФХДЁ органларида ФХДЁ органи раҳбарлари ва фуқаролар йиғинларидан фуқаролар йиғини раислари зиммасига юқлатилади. Ушбу шахслар узрли сабабларга кўра вақтинча ишда бўлмаганда (хизмат сафари, меҳнат таътили, касаллик ва ҳ.к.), масъулият тегишли бўйруқ билан бошқа шахс зиммасига юқлатилиши лозим.

15. ФХДЁ органлари томонидан адлия бошқармасидан гербли гувоҳномаларни қабул қилиб олишда комиссия аъзолари иштирокида ҳар бир гувоҳнома ўрами алоҳида очилган ҳолда текшириб кўрилади.

Гувоҳномаларнинг етишмаслиги ёки нуқсонлар борлиги (ҳимоя катакларининг йўқлиги ёки бузилганлиги, нотўғри кесилган ва нотўғри шаклли, ўрам ёрлигига бошқача тарзда номувофиқ бўлган гувоҳномалар) аниқланган тақдирда, комиссия томонидан уч нусхада далолатнома тузилади ва шу куннинг ўзида Вазирликка бу ҳақда хабар юборилади.

Далолатноманинг биринчи нусхаси ўрам ёрлигининг ксеронусхаси билан адлия бошқармасида қолдирилади. Далолатноманинг иккинчи ва учинчи нусхалари нуқсонли гувоҳномалар чиққан ўрам ёрлиги, нуқсони бор гувоҳномалар илова қилинган хат билан уч кун ичida Вазирликка жўнатилади. Бунда далолатноманинг иккинчи нусхаси Вазирликнинг Ишлар бошқармасида қолдирилади, учинчи нусхаси ўрам ёрлиги ва нуқсони бор гувоҳномалар билан «Давлат белгиси» ДУКга юборилади.

16. ФХДЁ органида гербли гувоҳномаларнинг ҳисобга олиниши, сарфланиши ва сақланиши учун масъул шахс ўзгарган ҳолларда гербли гувоҳномаларни ва уларнинг ҳисобот хужжатларини топшириш-қабул қилиш адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари иштирокида амалга оширилади ва бу ҳақда икки нусхада далолатнома тузилади.

Далолатнома тузилган пайтдан бошлаб гербли гувоҳномаларни ҳисобга олиш, сақлаш ва сарфлаш масъулияти янги масъул ходим зиммасига юклатилади. Далолатноманинг бир нусхаси ФХДЁ органида, иккинчи нусхаси адлия бошқармасида сақланади.

Фуқаролар йиғини раиси алмашган ҳолларда, гербли гувоҳномаларни ва уларнинг ҳисобот хужжатларини қабул қилиш-топшириш мазкур фуқаролар йиғини жойлашган ҳудуддаги ФХДЁ органи раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи ходим иштирокида амалга оширилади ва бу ҳақда уч нусхада далолатнома тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси фуқаролар йиғинида, иккинчи нусхаси ФХДЁ органида, учинчи нусхаси эса адлия бошқармасида сақланади.

17. Гербли гувоҳномалар адлия бошқармасида маҳсус жиҳозланган, шу жумладан пўлат эшик ўрнатилган ва бегона шахслар кириши тақиқланган алоҳида хоналарда, ФХДЁ органлари ва фуқаролар йиғинларида эса, пўлат сейфларда сақланиши зарур.

Гербли гувоҳномалар билан ишлаш хуқуқига уларнинг ҳисобга олиниши, сақланиши ва сарфланиши учун масъул бўлган шахслар, шунингдек уларнинг ҳозирлигига адлия бошқармаси ва Вазирликнинг масъул ходимлари эгадирлар.

Гербли гувоҳномаларни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаракатлар амалга оширилаётган вақтдан ташкари, улар сақланадиган хона ва пўлат сейфлар мухрланган бўлиши лозим.

18. Гербли гувоҳномалар, далолатнома ёзувлари ва ФХДЁ органларида юритиладиган бошка ҳужжатларнинг, шунингдек мухрлар ва штампларнинг ўйқолганлиги ёки ноқонуний сарфланганлиги (фойдаланилганлиги) аниқланганда, ФХДЁ органи томонидан бу ҳақда дарҳол адлия бошқармасига хабар берилади.

Бунда, адлия бошқармаси томонидан бундай хабар келиб тушган вақтдан бошлаб 24 соат ичida Вазирликка ҳамда тегишли хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берилиши ва беш кун муддат ичida хизмат текшируви ўтказилиши лозим.

Мазкур банднинг биринчи хатбоисида назарда тутилган ҳолатлар тўғрисидаги хабар Вазирликка келиб тушган кундан бошлаб беш кун муддат ичida ушбу ҳолатлар ҳақида барча ФХДЁ органлари ва нотариал идораларга, шунингдек зарур ҳолларда, бошка ташкилотларга хабар берилади.

19. Хизмат текшируви хулосаси уч нусхада тузилиб, бир нусхаси адлия бошқармасида, иккинчи нусхаси тегишли ФХДЁ органида сақланади, учинчи нусхаси эса, Вазирликка тақдим этилади.

Хизмат текширувани ўтказиш давомида гербли гувоҳномалар, далолатнома ёзувлари ва ФХДЁ органларида юритиладиган бошка ҳужжатларнинг,

шунингдек мухрлар ва штампларнинг йўқолганлиги ёки ноконуний сарфланганлиги (фойдаланилганлиги) ҳолатларига имкон берган шарт-шароитларга аниқлик киритилади.

Бунда, масъул ходимларнинг ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажарганлиги, қатъий ҳисобда юритиладиган ҳужжатларни сақлаш қоидаларига риоя этганлиги, шунингдек содир бўлган ҳолатларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган харакатлар аниқлаштирилиши зарур.

20. ФХДЁ органлари ва фуқаролар йиғинларида сарфланган гербли гувоҳномаларнинг ҳисобини олиб бориш учун мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги Гербли гувоҳномаларни сарфлаш электрон дафтари юритилади.

21. Ўтган йилдан ортиб қолган гербли гувоҳномалар Гербли гувоҳномаларни сарфлаш электрон дафтарида жорий йилнинг биринчи иш кунидан «1» тартиб рақамидан бошлаб қайд этилади.

22. Такрорий бериладиган гербли гувоҳномалар мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги Такрорий гувоҳномаларни сарфлаш электрон дафтарида қайд этилади.

Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш, фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш, шунингдек далолатнома ёзувини тиклаш муносабати билан бериладиган гербли гувоҳномалар ҳам Такрорий гувоҳномаларни сарфлаш электрон дафтарида қайд этилади.

ФХДЁ архивларида ҳам худди шу тартибда Такрорий гувоҳномаларни сарфлаш электрон дафтарлари юритилади.

Такрорий бериладиган гербли гувоҳномаларнинг йил охиридаги қолдиги мазкур Йўриқноманинг 21-бандида белгиланган тартибда сарфланади.

23. Гербли гувоҳномадаги маълумотлар электрон ахборот тизими орқали шакллантирилиб, гербли гувоҳнома бланкасига чоп этилгандан кейин ундаги ёзувларни бўяш, ўчириш, тузатиш киритиш ҳамда ушбу ҳолатларга изоҳ бериб мухр билан тасдиқлашга йўл қўйилмайди. Чоп этиш вақтида бузилган гербли гувоҳномалар бўйича (фуқаролар йиғини томонидан топширилган гувоҳномалар бўйича ҳам) икки нусхада далолатнома тузилиб, ҳар чорақда тегишли Адлия бошқармасига (фуқаролар йиғини томонидан ФХДЁ органига) топширилади.

Адлия бошқармасида бузилган гербли гувоҳномалар серияси, тартиб рақамлари қирқиб олинниб, далолатноманинг биринчи нусхасига елимлаб қўйилади. Гувоҳномаларнинг қолган қисмлари комиссия иштирокида ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилинади. Бунда, далолатноманинг биринчи нусхаси Адлия бошқармасида, иккинчи нусхаси эса ФХДЁ органида сақланади.

24. ФХДЁ органларининг далолатнома ёзувлари ва гербли гувоҳномалар бўйича ҳисботлари Вазирлик ва адлия бошқармалари томонидан электрон ахборот тизими орқали олинади.

2-§. Хат, хабарнома ва аризаларни рўйхатга олиш

25. ФХДЁ органига келган барча хат, хабарнома ва аризалар шу куннинг ўзида мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги Хат, хабарно-

ма ва аризаларни рўйхатга олиш электрон дафтарига кирим қилиниши ва қонунчилик хужжатларида белгиланган муддатларда ижро этилиши лозим. Кирим қилинган барча хужжатларнинг биринчи варафи пастки ўнг бурчагига кирим қилинган сана ва кирим рақами ёзиб кўйилади.

Ижро этилган хатдаги чиқиш рақами кирим рақами билан бир хил бўлади.

26. Турилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ва ўлим ҳақидаги такорий гувоҳнома беришни сўраб мурожаат қилинган аризалар ушбу Йўриқноманинг 9-иловага мувофиқ шаклдаги Рўйхатга олиш электрон дафтарида қайд қилинади ва алоҳида йиғмажилларга тикиб борилади.

27. ФХДЁ органининг ўз ташабусига кўра жўнатилаётган хат, хабарнома ва аризалар мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига мувофиқ ФХДЁ органидан жўнатилаётган хатларни рўйхатга олиш электрон дафтарига кирим қилинади.

28. ФХДЁ органлари бошқа ФХДЁ органларининг хабарномалари келиб тушган куннинг ўзида далолатнома ёзувларига тегишли ўзгартиришлар киритиши шарт.

III боб. Туғилишни қайд этиш

1-§. Умумий қоидалар

29. Туғилишни қайд этиш ФХДЁ органларида бола туғилган кундан бошлаб бир ой ичida амалга оширилиши лозим.

Туғилишни қайд этиш учун турилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома (турилганликни комплекс давлат хизмати сифатида қайд этиш бундан мустасно), ота-оналарнинг шахсини тасдиқловчи хужжатлар, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки оталикни белгилаш ҳақидаги ариза ёхуд никоҳда бўлмаган онанинг аризаси тақдим этилади.

Мазкур бандда кўрсатилган хужжатлар тақдим этилмаган ҳолларда ФХДЁ органи томонидан ариза берувчига далолатнома ёзувини қайд этиш рад қилинганлиги ҳақида асослантирилган маълумотнома берилади.

Ота-оналардан бириннинг шахсини тасдиқловчи хужжат бўлмаганда ота ёки она ҳақида маълумотлар никоҳ тузилганлиги ёки аввалги болаларининг турилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар асосида тўлдирилади.

30. Туғилишни қайд этиш учун бола туғилган вактдан бошлаб бир ой ўтиб, бироқ бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар мурожаат этилган ҳолларда туғилишни қайд этиш рад қилинмайди ва умумий асосларда амалга оширилади.

Ўн олти ёшгача бўлган боланинг туғилишини қайд этиш учун ФХДЁ органига туғилишни қайд этиш муддатини ўтказиб юборганлик сабаблари кўрсатилган ариза боланинг ота-онаси, ота-онанинг қонуний никоҳи мавжуд бўлган ҳолларда улардан бири ёки ишончнома асосида бошқа манфаатдор шахс, ота-онанинг ўрнини босувчи шахс ёхуд васийлик ва ҳомийлик органларининг мансабдор шахслари томонидан тақдим этилади.

31. Туғруқхонадан ташқари жойларда ва тиббий ёрдамсиз туғилган бо-

ланинг туғилишини қайд этиш участка шифокори (фельдшер ёки акушер) томонидан берилган туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома асосида амалга оширилади.

32. 16 ёшдан ошган, тиббиёт муассасасидан ташқарида ва тиббий ёрдамсиз туғилган, шунингдек тиббиёт муассасаси томонидан туғилганлик ҳақидаги маълумотнома расмийлаштирилмаган шахсларнинг туғилганлигини қайд этиш суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилади.

Агар бола 16 ва ундан катта ёшда бўлса ва унга нисбатан тиббиёт муассасаси томонидан расмийлаштирилган туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома мавжуд бўлса, унинг туғилиши ота-она ёки улардан бири ва вояга етган боланинг аризасига кўра қайд этилади.

33. Туғилишини қайд этиш билан бир вақтда, никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталикни белгилаш ота ва онанинг ФХДЁ органига биргаликда берган аризаси асосида амалга оширилади.

34. Агар боланинг онаси бошқа шахс билан қонуний никоҳда турган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризага никоҳда турган эрнинг у билан қонуний никоҳда бўлган онадан туғилган болага нисбатан оталикни белгилашга ёки боланинг туғилишини ёлғиз она аризаси асосида қайд этилишига нотариал тасдиқланган розилиги илова қилиниши ёки у ФХДЁ органига келиб бунга ёзма равишда ўз розилигини билдириши лозим. Бундай розилик ФХДЁ органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Масалан, фуқаро Б. Турдиматовнинг розилик аризасида қўйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

«Мен билан қонуний никоҳда турган фуқаро Ч. Узоқовадан 2022 йил 25 декабрда туғилган ўғил фарзанднинг биологик отаси эмасман, болага нисбатан келгусида ота-оналик хуқуқини даъво қилмайман, боланинг туғилишини ёлғиз она аризаси асосида қайд этилишига ёки болага нисбатан унинг ҳақиқий отаси томонидан оталик белгиланишига қарши эмасман».

Оила кодексининг 60-моддаси 3-қисмига мувофиқ агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичидаги бола туғилса ва бу даврда боланинг онаси янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда боланинг туғилишини қайд этишда сабиқ эрдан розилик олиниши талаб этилмайди.

35. Туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви тўлдирилгач, унинг қофозга чоп этилган нусхаси ариза берувчи томонидан ўқиб чиқилиб имзоланади ва унга шу вақтнинг ўзида туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилади.

Ариза берувчининг талабига асосан унга мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига мувофиқ шаклдаги Туғилганлик ҳақида маълумотнома берилиши мумкин.

36. Чет элда туғилган (хорижий давлатнинг ваколатли органида туғилиши қайд қилинган) боланинг маълумотлари легализация қилинган ёки апостиль қўйилган туғилганликни тасдиқловчи ҳужжатлари асосида (гувоҳнома, сертификат ва бошқа ҳужжатлар) электрон ахборот тизимида киритилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

37. Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома ёки боланинг у ёки бу онадан туғилганлик фактини белгилаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг орқа томонига тикилади ва у билан бирга сақланади, туғилганликни комплекс давлат хизмати сифатида қайд этиш бундан мустасно.

2-§. Ёлғиз онадан туғилган боланинг туғилишини қайд этиш

38. Ёлғиз онадан туғилган боланинг туғилишини қайд этишда ёлғиз (конуний никоҳда бўлмаган) она томонидан ФХДЁ органига онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига мувофиқ шаклдаги ёзма ариза тақдим этилади.

Агар туғилган боланинг онаси вояга етмаган бўлса, туғилишни қайд этиш боланинг туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотнома ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг аризасига асосан онанинг яшаш жойидаги ФХДЁ органи томонидан қайд этилади. Бунда болани тукқан онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси билан бирга яшаш ва ўқиши жойидан расми елимланган холдаги маълумотномалар тақдим этилиши лозим.

39. Ёлғиз онанинг аризасида она ва отанинг фамилияси бир хилда — онанинг фамилияси бўйича кўрсатилиши лозим.

Боланинг фамилияси эса онанинг фамилияси ёки миллый анъаналарга кўра она томонидан бобонинг исми бўйича берилиши мумкин.

40. Туғилганлик ҳақида далолатнома ёзувини қайд этишда ёлғиз она шахсан иштирок этолмаган тақдирда онанинг аризадаги имзоси тиббиёт муассасаси ёки жазони ижро этиш муассасаси мансабдор шахсининг имзоси ва ушбу муассасанинг гербли муҳри билан ёхуд нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши шарт.

41. Ёлғиз оналарнинг аризалари мазкур Йўриқноманинг 13-иловасига мувофиқ шаклдаги Ёлғиз оналарнинг аризаларини рўйхатга олиш электрон дафтарига қайд этилиб, аризанинг пастки ўнг бурчагига кирим қилинган сана ва кирим рақами ёзиб қўйилади ҳамда кетма-кетлиги бўйича тикиб борилади.

Аризанинг юқори ўнг бурчагига далолатнома ёзуви рақами ва санаси, берилган гербли гувоҳнома серияси ва рақами ёзиб қўйилади.

42. Ёлғиз онага фарзандининг туғилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилганлиги тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 14-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотнома берилади.

3-§. Туғилишни қайд этишнинг алоҳида ҳоллари

43. Туғилишни қайд этиш учун бир ойлик муддат ўтказиб юборилган тақдирда, ФХДЁ органига туғилишни қайд этиш муддатини ўтказиб юборганлик сабаблари кўрсатилган мазкур Йўриқноманинг 15-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза, шунингдек қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

бала (шахс)нинг туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотнома;

бала (шахс)нинг соғлиғи тўғрисида маълумотнома.

Бунда, ФХДЁ органлари ушбу болага нисбатан туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилган ёки қайд этилмаганлигини электрон ахборот тизими орқали аниқлайди.

44. Чет элда туғилган, лекин туғилиши ўша давлатларда белгиланган тартибда қайд этилмаган боланинг туғилишини қайд этишда мазкур Йўриқноманинг 43-бандида кўрсатилган ҳужжатлар талаб этилади.

45. Ташлаб кетилган болани топиб олган шахс бу ҳақда бола топиб олинган вақтдан бошлаб йигирма тўрт соат мобайнида ушбу тумандаги ички ишлар органига ёки васийлик ва ҳомийлик органига хабар бериши шарт.

Ички ишлар, васийлик ва ҳомийлик органлари, бола жойлашган муассаса ёки тиббиёт муассасаси маъмурияти бола топиб олинган вақтдан бошлаб етти иш кунидан кечикмаган муддатда ФХДЁ органларига топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини қайд этиш ҳақида мурожаат этишлари лозим.

Топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини қайд этиш ички ишлар, васийлик ва ҳомийлик органлари, бола жойлашган муассаса маъмурияти ёки тиббиёт муассасасининг мазкур Йўриқноманинг 16-иловасига мувофиқ шаклдаги аризасига биноан амалга оширилади.

Бунда, топиб олинган (ташлаб кетилган) бола туғилганлигини қайд этиш ҳақидаги аризада боланинг топиб олинган вақти, жойи ва топиб олинган пайтдаги ҳолати, ёши, жинси, вазни ва бўйи ҳақидаги маълумотлар аниқ кўрсатилиши зарур.

Топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига ота-онасининг фамилияси, исми ва миллати тўғрисидаги маълумотлар ички ишлар, васийлик ва ҳомийлик органлари, бола жойлашган муассаса ёки тиббиёт муассасаси маъмуриятининг кўрсатмалари асосида киритилади. Бундай ҳолда боланинг ва унинг ота-онаси сифатида кўрсатилган шахсларнинг фамилияси бир хилда ёзилади.

Онаси томонидан ташлаб кетилган болани қайд этиш бола жойлашган тиббиёт муассасаси ёхуд бола жойлашган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органи аризасига мувофиқ, боланинг онаси томонидан ташлаб кетилган вақтдан бошлаб етти кун ичиди амалга оширилади.

Онаси томонидан ташлаб кетилган боланинг туғилганлигини қайд этиш учун аризада боланинг ташлаб кетилган вақти, жойи ва ташлаб кетилган пайтдаги ҳолати, ёши, жинси, вазни ва бўйи ҳақидаги маълумотлар аниқ кўрсатилиши зарур.

Онаси томонидан ташлаб кетилган боланинг фамилияси, исми, ота исми тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек ота-она тўғрисидаги маълумотлар туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига юқорида кўрсатилган органларнинг кўрсатмасига биноан киритилади. Бундай ҳолда боланинг ва унинг ота-онаси сифатида кўрсатилган шахсларнинг фамилияси бир хилда ёзилади.

Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг «Белгилар учун» қаторига «Бола топиб олинган» ёки «Ташлаб кетилган» деб ёзилади ва ота-онаси ҳақидаги маълумотлар кимнинг кўрсатмасига асосан ёзилганлиги кўрсатилади.

4-§. Оталикни белгилаш

46. Ўзаро қонуний никоҳда бўлмаган ота-онанинг мазкур Йўриқноманинг 17-иловасига мувофиқ шаклдаги Оталикни белгилаш ҳақидаги аризаси уни қабул қилган ФХДЁ органи ходими томонидан имзоланиб, тартиб рақами ва сана қўйилади ҳамда ушбу Йўриқноманинг 18-иловасига мувофиқ шаклдаги Оталикни белгилаш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш электрон дафтарига кирим қилинади.

47. Оталикни белгилаш ҳақидаги ариза ФХДЁ органига бола туғилгунгача, боланинг туғилишини қайд этиш билан бир вақтда ёки боланинг туғилиши қайд этилгандан сўнг берилиши мумкин. Ариза ФХДЁ органининг масъул ходими томонидан ундаги маълумотларни ота-онанинг шахсини тасдиқловчи хужжатлари билан солиштириб қабул қилинади.

48. Оталикни белгилашда ота-оналардан бири иштирок этмаган тақдирда, унинг имзоси қонунчиликда белгиланган тартибда (нотариус, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси масъул шахси ёки тиббиёт муассасаси, ФХДЁ органи, ҳарбий қисм ёки жазони ўташ муассасаси раҳбарининг имзоси ва муҳри билан) тасдиқланади.

Оталикни ишончнома орқали белгилашга йўл қўйилмайди.

49. Суднинг оталикни белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарорига асосан боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига отаси тўғрисидаги маълумотларни киритиш мазкур ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин амалга оширилади. Бунда ариза берувчи томонидан суднинг ҳал қилув қарори ва боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси тақдим қилиниши зарур.

50. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви ёлғиз онанинг аризасига асосан қайд этилгандан кейин боланинг ота-онаси қонуний никоҳдан ўтиб, она эрининг фамилиясига ўтган бўлса ва улар оталикни белгилаш ҳақида биргаликдаги ариза билан мурожаат этса, далолатнома ёзувининг она устуnidаги онанинг фамилияси ҳақидаги ёзувга ўзгартириш киритилади. Бу ҳақда онадан қўшимча ариза олиш талаб этилмайди.

51. Оталик белгилангандан кейин ариза берувчи(лар)га мазкур Йўриқноманинг 19-иловасига мувофиқ шаклдаги Оталик белгиланганлиги ҳақида маълумотнома берилади.

52. Туғилишни қайд этиш билан бир вақтда расмийлаштирилмаган холларда, оталикни белгилаш боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш қоидаларини кўллаш орқали амалга оширилади.

Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви бошқа ФХДЁ органида қайд этилган бўлса, оталикни белгилаш ҳақидаги аризани қабул қилган ФХДЁ органи ариза келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичидаги далолатнома ёзувини қайд қилган ФХДЁ органига далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш ҳақида электрон ахборот тизими орқали мазкур Йўриқноманинг 20-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарнома юборади.

Дастлабки далолатнома ёзувини қайд қилган ФХДЁ органи хабарнома

келиб тушган кундан бошлаб бир иш куни ичидан далолатнома ёзувига зарур ўзгартириш киритиб, электрон ахборот тизими орқали тасдиқлайди.

Бунда, оталикни белгилаш ҳақидаги аризани қабул қилган ФХДЁ органи дастлабки далолатнома ёзувига ўзгартириш киритилганлиги тўғрисида тасдиқнома олган вақтдан бошлаб бир соат ичидан ахборот тизимида далолатнома ёзувига гербли гувоҳноманинг серияси ва рақамини киритиб, ариза берувчига гербли гувоҳномани чоп этиб беради.

Оталикни белгилаш 16 ёшга тўлган шахсга нисбатан амалга оширилаётган бўлса, у ҳолда далолатнома ёзувидаги ота ҳақидаги маълумотларга ўзгартириш киритиш Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 28-бобида белгиланган фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш киритиш тартибида амалга оширилади.

Оталикни белгилаш 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан амалга оширилаётган бўлса, у ҳолда далолатнома ёзувидаги ота ҳақидаги маълумотларга ўзгартириш киритиш Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 29-бобида белгиланган далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш тартибида амалга оширилади.

Далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар киритилганда, ФХДЁ органи томонидан бу ҳақда икки иш куни ичидан туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг ФХДЁ архивларида сақланайтган иккинчи нусхасига тегишли ўзгартиришларни киритиш учун тегишли ФХДЁ архивига мазкур Йўриқноманинг 20-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарнома юборилади, далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

5-§. Фарзандликка олиш

53. Суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн кун ичидан ФХДЁ органи фарзандликка олинган боланинг туғилиши қайд этилган далолатнома ёзувига зарур ўзгартиришлар киритиши лозим.

54. Фарзандликка олишни расмийлаштириш учун ФХДЁ органига суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қароридан кўчирма, фарзандликка олинувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, шунингдек фарзандликка олувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади. Фарзандликка олувчилар икки ёки ундан кўп болани бир вақтда фарзандликка олган ҳолларда ҳар бир бола учун алоҳида суднинг ҳал қилув қарори тақдим этилиши, агар ушбу масалада суд томонидан битта ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлса, мазкур ҳал қилув қарорининг нусхалари фарзандликка олинаётган болаларнинг сонига мутаносиб миқдорда тақдим этилиши ҳамда ҳар бир қарорга алоҳида кирим ва ижро ҳақида белги қўйилиши лозим.

Бунда, фарзандликка олишни расмийлаштириш учун фарзандликка олувчилардан бири ёки уларнинг қонуний вакили ФХДЁ органига мурожаат қилиши мумкин.

55. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви бошқа ФХДЁ органида қайд этилган бўлса, фарзандликка олувчилар мурожаат қилган ФХДЁ орга-

ни ариза келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичидан далолатнома ёзувини қайд қилган ФХДЁ органига далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш хақида электрон ахборот тизими орқали мазкур Йўриқноманинг 21-иловасига мувофиқ шаклда хабарнома юборади.

Дастлабки далолатнома ёзувини қайд қилган ФХДЁ органи хабарнома келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичидан далолатнома ёзувига зарур ўзгартириш киритиб, электрон ахборот тизими орқали тасдиқлади.

Бунда, фарзандликка олувчилар мурожаат қилган ФХДЁ органи дастлабки далолатнома ёзувига ўзгартириш киритилганлиги тўғрисида тасдиқнома олган вақтдан бошлаб бир соат ичидан ахборот тизимида далолатнома ёзувига гербли гувоҳноманинг серияси ва рақамини киритиб, мурожаат қилган шахсга гербли гувоҳномани чоп этиб беради.

56. Ўн ўшдан ошмаган боланинг туғилган жойи суднинг ҳал қилув қарори асосида Ўзбекистон Республикаси худуди доирасида ўзгартирилган бўлса ёки туғилган санаси суднинг ҳал қилув қарори асосида бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилса ва ушбу сана боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд қилинган санадан кейин қилиб белгиланса, у ҳолда фарзандликка олувчилар мурожаат қилган ФХДЁ органи томонидан тикланган далолатнома ёзуви қайд этилади.

Бунда, фарзандликка олувчилар мурожаат қилган ФХДЁ органи ариза келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичидан дастлабки далолатнома ёзувини қайд қилган ФХДЁ органига мазкур Йўриқноманинг 22-иловасига мувофиқ шаклдаги Фарзандликка олинганлик муносабати билан туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини электрон ахборот тизими орқали юбориш хақида сўровнома юборади.

Дастлабки далолатнома ёзувини қайд қилган ФХДЁ органи сўровнома келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичидан далолатнома ёзувини сўров юборган ФХДЁ органига электрон ахборот тизими орқали юборади.

Фарзандликка олувчилар мурожаат қилган ФХДЁ органи дастлабки далолатнома ёзувини қабул қилиб олган вақтдан бошлаб икки иш куни ичидан дастлабки далолатнома ёзуви қайд этилган ФХДЁ органига, шунингдек ФХДЁ архивига (далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно) дастлабки далолатнома ёзувини бекор қилиш ҳақида электрон ахборот тизими орқали мазкур Йўриқноманинг 23-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарнома юборади.

57. Суднинг ҳал қилув қарорлари нусхалари улар тақдим этилган куннинг ўзида ушбу Йўриқноманинг 24-иловасига мувофиқ шаклдаги Фарзандликка олиш бўйича суднинг ҳал қилув қарорларини рўйхатга олиш электрон дафтарига рўйхатга олинади ҳамда тақдим этилган қарор нусхасининг пастки ўнг бурчагига рўйхатга олинган рақами ва санаси ёзиб қўйилади.

58. Фарзандликка олинган боланинг туғилганлик ҳақидаги дастлабки гувоҳномасига қия чизик тортилиб, фарзандликка олинганлиги сабабли, бекор қилинганлиги ҳақида ёзиб қўйилади.

59. Суднинг ҳал қилув қарори нусхасининг юкори ўнг бурчагига туғил-

ганлик ҳақида далолатнома ёзувининг ҳамда берилган гербли гувоҳноманинг серияси, рақами ва санаси ёзиб қўйилади.

60. Ижроси таъминланган ҳал қилув қарори нусхаси боланинг туғилганлик ҳақидаги дастлабки гувоҳномаси билан биргаликда фарзандликка олиш бўйича алоҳида йифмажилдга тартиб билан тикилади.

61. Бола ёлғиз она (ота) томонидан фарзандликка олинган ҳолларда, агар суднинг ҳал қилув қарорида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг ота (она) устунини тўлдириш бўйича кўрсатма берилмаган бўлса, ота (она) ҳақида маълумотлар ёлғиз она (ота)нинг қўшимча аризаси асосида тўлдирилади. Ушбу қўшимча ариза ҳам фарзандликка олиш бўйича йифмажилдга тикилади.

62. Суднинг ҳал қилув қарорида кўрсатилган маълумотларда номувофиқликлар аниқланган ҳолларда, фарзандликка олишни расмийлаштириш мазкур номувофиқликлар бартараф этилганидан кейин амалга оширилади.

63. Фарзандликка олиш расмийлаштирилгандан сўнг фарзандликка олувчи(лар)га ФХДЁ органи томонидан фарзандликка олинувчининг туғилганлик ҳақидаги янги гувоҳномаси ва зарур бўлганда ушбу Йўриқноманинг 25-илювасига мувофиқ шаклдаги Фарзандликка олинганлик ҳақида маълумотнома берилади.

64. Фарзандликка олиш туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилган ФХДЁ органи томонидан расмийлаштирилганда ушбу ФХДЁ органи икки иш куни ичидаги туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг ФХДЁ архивида сақланаётган иккинчи нусхасига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун электрон ахборот тизими орқали мазкур Йўриқноманинг 21-илювасига мувофиқ шаклдаги хабарнома юборади, далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

IV боб. Никоҳ тузилганлигини қайд этиш

65. Никоҳ тузилганлигини қайд этиш учун никоҳланувчи шахслар томонидан ФХДЁ органига ушбу Йўриқноманинг 26-илювасига мувофиқ шаклда Никоҳ тузилганлигини қайд этиш ҳақида ариза берилади.

Ариза ФХДЁ органига бевосита ёки Ягона интерактив давлат хизматлаштири портали (бундан буён матнда ЯИДХП деб юритилади) орқали берилиши мумкин.

Ариза ЯИДХП орқали берилганда, ФХДЁ органи ходими ариза келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичидаги аризани кўриб чиқади ва натижаси бўйича тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма шакллантириб беради.

Бунда, Оила кодексининг 16-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, аризани қабул қилиш рад этилади.

Никоҳ тузилганлигини қайд этиш учун берилган аризалар мазкур Йўриқноманинг 27-илювасига мувофиқ шаклдаги Никоҳ тузилганлигини қайд этиш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш электрон дафтарига кирим қилинади.

66. Никохланувчи шахсларга тиббий кўрикдан ўтиш учун берилган йўлланмаларнинг рақами аризанинг кирим рақамига «/» белгиси орқали тартиб билан қўшиб борилади.

67. Никохни қайд этиш ҳақидаги ариза ФХДЁ органи ходими иштирокида имзоланиши ҳамда у томонидан аризада кўрсатилган маълумотлар ариза берувчиларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатлари билан текшириб қабул қилиниши лозим.

Бунда, ариза берувчиларнинг никохда турмаслиги электрон ахборот тизими орқали текшириб олинади.

68. Аризанинг олд томони топшириш вақтида тўлдирилиб, ўша кундаги сана қўйилади. Аризанинг орқа томони никохланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотномалар тақдим этилган вақтда тўлдирилади ва шу кундаги сана қўйилади.

Тиббий кўрик натижаси бўйича никохланувчи шахсларда ёки уларнинг бирида руҳий ҳолатининг бузилганлиги аниқланса, ФХДЁ органи руҳий ҳолатининг бузилиши аниқланган никохланувчи шахснинг яшаш жойидаги туман, шаҳар тиббиёт бирлашмасидан унинг руҳий ҳолати бузилиши сабабли суд томонидан муомалага лаёкатсиз деб топилганлиги ҳақида маълумот мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаши лозим.

69. Ички ишлар органи томонидан шахсни тасдиқловчи хужжат ўрнига вақтинча берилган маълумотномалар билан никоҳ тузилганлигини қайд этишга йўл қўйилмайди.

70. Никоҳ тузилганлигини қайд этиш никохланувчиларнинг ФХДЁ органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.

Узрли сабаблар бўлганда ФХДЁ органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин. Бунда, ФХДЁ органига узрли сабабларни тасдиқловчи хужжатлар (болаларнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, тиббиёт муассасасининг келиннинг ҳомиладорлиги ҳақидаги маълумотномаси, хизмат сафари тўғрисидаги хужжатлар ва шу каби бошқа хужжатлар) тақдим этилади.

71. Алоҳида холларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар) никоҳ тузилганлиги ариза берилган куни қайд этилиши мумкин. Бундай ҳолда никоҳ тузилганлигини қайд этиш ҳақидаги аризанинг юқори чап бурчагига асослантирилган ёзув киритилади ва ФХДЁ органи раҳбарининг имзоси билан тасдиқланади.

72. Никоҳ тузилганлиги қайд этилгунга қадар никоҳ тузилганлигини қайд этиш ҳақидаги аризалар алоҳида йиғмажилларда сақланади.

73. Никохни расмийлаштириш ариза берилган ФХДЁ органидан бошқа ФХДЁ органида амалга оширилиши мумкин.

Бунда, ФХДЁ органи никохланувчи шахсларнинг хоҳишига асосан бошқа ФХДЁ органига берилган аризани жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (бундан буён матнда ЖШШИР деб юритилади) орқали электрон ахборот тизимидан олади ва белгиланган тартибда никохни расмийлаштиради.

Бунда, аризани қабул қилган ФХДЁ органи никоҳ қайд қилинганлиги хақида аризага тегишли белги киритиб қўяди.

74. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эл фуқаролари билан никоҳ тузилганлигини қайд этишда аризага чет эл фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг нусхаси ва унинг таржимаси ҳамда чет эл фуқаросининг оиласиб ёхволини тасдиқловчи ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилинган ёки апостиль қўйилган ҳолда илова қилинади.

75. Белгиланган муддатда йўқланмаган аризалар алоҳида йиғмажилдга тикиб борилади.

Никоҳ тузилганлигини қайд этиш тайинланган кундан бошлаб, уч ой ичида йўқланган аризалар бўйича никоҳ тузилганлиги қайд этилади. Бундай ҳолда никоҳ тузилганлигини қайд этиш ҳақидаги аризанинг орқа тарафидаги бўш жойга никоҳланувчи шахслар томонидан белгиланган муддатда келмаганлик сабаблари, никоҳ тузилганлигини қайд эттириш истаги ва шу куннинг санаси ёзилиб, имзо қўйилади.

76. Никоҳ тузилганлигини қайд этиш ҳақидаги ариза берилган кундан бошлаб тўрт ой ичида йўқланмаган аризалар бўйича ушбу Йўриқноманинг 28-иловасига мувофиқ шаклдаги Муддатида йўқланмаган никоҳ тузилганлигини қайд этиш ҳақидаги аризаларни йўқ қилиш бўйича далолатнома тузилади ҳамда ушбу аризалар ёкиб юбориш йўли билан йўқ қилинади. Мазкур далолатномалар алоҳида йиғмажилдга тикиб борилади.

77. Никоҳ тузилганлигини қайд этиш ҳақидаги ариза берилган кундан бошлаб тўрт ойлик муддат ўтгандан кейин никоҳ тузиш истагини билдирган шахслар никоҳ тузилганлигини қайд этиш ҳақидаги ариза билан умумий асосларда қайта мурожаат этишлари лозим.

78. Никоҳлари қайд этилган шахсларнинг аризалари уларнинг тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотномалар ва тақдим қилинган ҳужжатлардан нусхалар билан биргаликда ойлик, чораклик ёки йиллик йиғмажилларга тикиб борилади.

79. ФХДЁ органи томонидан никоҳланувчи шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни уларни кейинчалик расмийлаштириш учун олиб қолишга йўл қўйилмайди.

80. Суднинг никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори асосида ФХДЁ органи никоҳ қайд этилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига бу ҳақда белги қўяди, шунингдек икки иш куни ичида далолатнома ёзувининг ФХДЁ архивида сақланаётган иккинчи нусхасига ўзгартириш киритиш тўғрисида электрон ахборот тизими орқали ушбу Йўриқноманинг 29-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарнома юборади, далолатнома ёзуви бир нусхада юритилган ҳолатлар бундан мустасно.

81. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий давлатларнинг ваколатли органларида қайд қилинган никоҳ ҳақидаги маълумотлари легализация қилинган ёки апостиль қўйилган никоҳ қайд қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида (гувоҳнома, сертификат ва бошқа ҳужжатлар) электрон ахборот тизимида киритилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

V боб. Никоҳдан ажралишни қайд этиш

82. ФХДЁ органларида никоҳдан ажралишни қайд этиш бўйича иккита Рўйхатга олиш электрон дафтари юритилади.

Эр-хотинларнинг ўзаро розилиги асосида, эр (хотин) уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган хукми ҳамда суд томонидан муомалага лаёкатсиз ёки бедарак йўқолган деб топилганлиги ҳақидаги қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари асосида эр (хотин) томонидан берилган аризалар мазкур Йўриқноманинг 30-иловасига мувофиқ шаклдаги Никоҳдан ажралишни қайд этиш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш электрон дафтарига кирим қилинади.

Судларнинг 1998 йил 1 сентябргача ва 2010 йил 15 сентябрдан кейин қабул қилинган никоҳдан ажратиш ҳақидаги ҳал қилув қарорлари асосида никоҳдан ажралишни қайд этиш ҳақидаги аризалар ушбу Йўриқноманинг 31-иловасига мувофиқ шаклдаги Суднинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги ҳал қилув қарори асосида никоҳдан ажралишни қайд этиш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш электрон дафтарига кирим қилинади.

83. 1998 йил 1 сентябрдан 2010 йил 15 сентябргача бўлган даврда қонуний кучга кирган суд қарорлари бўйича никоҳдан ажратишни қайд этиш бўйича мурожаат келиб тушганда, ушбу ҳаракат йўқолган далолатнома ёзувларини тиклаш тартиби ва қоидларига биноан амалга оширилади.

84. Никоҳдан ажралганлик ҳақидаги дастлабки далолатнома ёзувини қайд этишда иштирок этмаган эр (хотин) томонидан ФХДЁ органига ушбу Йўриқноманинг 32-иловасига мувофиқ шаклдаги Дастлабки далолатнома ёзувига қўшимча киритиш ҳақидаги ариза берилади.

Ушбу ариза мазкур Йўриқноманинг 33-иловасига мувофиқ шаклдаги Дастлабки далолатнома ёзувларига қўшимчалар киритиш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш электрон дафтарига кирим қилинади.

Масалан, эр (хотин) жазони ижро этиш муассасасида сақланайтганлиги ёки хизмат сафарида бўлиши сабабли, шунингдек бошқа сабабларга кўра, никоҳдан ажралишни қайд этиш тайинланган кунда далолатнома ёзувини қайд этишда иштирок этмаган бўлса, кейинчалик қайтиб келган эр (хотин) томонидан берилган аризалар мазкур электрон дафтарда қайд этилади.

Никоҳдан ажралганлик ҳақидаги дастлабки далолатнома ёз уни бошқа ФХДЁ органида қайд этилган бўлса, эр ёки хотиннинг аризаси ва суд қарорини қабул қилган ФХДЁ органи тегишли ариза келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичida дастлабки далолатнома ёзувини қайд қилган ФХДЁ органига далолатнома ёзувига тўлдириш киритиш учун электрон ахборот тизими орқали ушбу Йўриқноманинг 34-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарнома юборади.

Бунда, дастлабки далолатнома ёзувини қайд қилган ФХДЁ органи хабарнома келиб тушган вақтдан бошлаб икки иш куни ичida далолатнома ёзувига зарур тўлдириш киритиб, далолатнома ёзувини электрон ахборот

тизими орқали тасдиқлайди ҳамда далолатнома ёзувининг ФХДЁ архивида сақланаётган иккинчи нусхасига ҳам шундай ёзувлар киритиш учун тегишли ФХДЁ архивига электрон ҳаборот тизими орқали мазкур Йўриқноманинг 34-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарнома юборади, далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

85. Никоҳдан ажралишни расмийлаштириш бўйича ҳужжатлар учун учта йифмажилд юритилади.

Биринчи йифмажилдга умумий асосларда берилган никоҳдан ажралишни қайд этиш бўйича аризалар ва уларга илова қилинган ҳужжатлар дастлабки далолатнома ёзувларига мувофиқ тартиб билан тикилади.

Иккинчи йифмажилдга никоҳдан ажралганлик ҳақидаги дастлабки далолатнома ёзувини қайд этишда иштирок этмаган эр (хотин) томонидан ушбу далолатнома ёзувига қўшимчалар киритиш ҳақидаги аризалар тикилади.

Учинчи йифмажилдга муддатида йўқланмаган аризалар тикиб борилади.

86. Вояга етмаган фарзандлари ҳамда мулкий низолари бўлмаган эр-хотинларнинг ўзаро розилиги асосида мазкур Йўриқноманинг 35-иловасига мувофиқ шаклдаги никоҳдан ажралишни қайд этиш ҳақидаги аризаси ушбу ариза келиб тушган куни Никоҳдан ажралишни қайд этиш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш электрон дафтарига кирим қилинади ва аризанинг юқори ўнг бурчагига ФХДЁ органи ходимининг имзоси қўйилиб, никоҳдан ажралишни қайд этиш тайинланган сана ёзилади.

87. Эр ёки хотин никоҳдан ажралишни қайд этиш тайинланган (уч ойлик муддат тугаган) кунда бирор-бир сабабга кўра ФХДЁ органига кела олмайдиган алоҳида холларда, аризанинг орқа тарафига сабабини кўрсатиб, никоҳдан ажралишни унинг иштирокисиз қайд этиш ҳақида ёзиб қолдиради. Бунда, никоҳдан ажралишни эр (хотин) иштирокисиз қайд этиш ҳақидаги ёзувга хотиннинг (эрнинг) розилиги ҳақидаги имзоси бўлиши зарур.

Бу ҳолда никоҳдан ажралишни қайд этиш вақтида никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг «Белгилар учун» устунида ёзувни қайд этишда иштирок этмаган томон ҳақида ёзиб қўйилади.

Дастлабки далолатнома ёзувини тўлдиришда иштирок этмаган томон мазкур Йўриқноманинг 84-бандида назарда тутилган тартибда ариза билан мурожаат қилган тақдирда, далолатнома ёзувининг унга тегишли қисми тўлдирилиб, имзо қўйдирилади ва унга никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳнома расмийлаштириб берилади.

Далолатнома ёзувининг тўлдирилмаган қисмига ёзувлар киритган ФХДЁ органи икки иш куни ичида далолатнома ёзувининг ФХДЁ архивида сақланаётган иккинчи нусхасига ҳам шундай ёзувлар киритиш учун тегишли ФХДЁ архивига электрон ҳаборот тизими орқали мазкур Йўриқноманинг 34-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарнома юборади, далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

88. Никоҳдан ажралишни қайд этиш ҳақидаги аризанинг юқори ўнг бурчагига далолатнома ёзуви рақами ва санаси ёзиб қўйилади.

89. Никоҳдан ажралишни қайд этиш тайинланган кундан бошлаб, уч ой ичида йўқланган аризалар бўйича никоҳдан ажралиш қайд этилиши мумкин.

Бунда никоҳдан ажралишни қайд этиш ҳақидаги аризанинг орка тарафига ариза берувчи(лар) томонидан белгиланган муддатда келмаганлик сабаби, никоҳдан ажралишни қайд эттириш истаги ва шу кундаги сана ёзилиб, улар томонидан имзоланади.

90. Никоҳдан ажралишни қайд этиш тайинланган кундан бошлаб, уч ой ичидаги йўқланмаган аризалар бўйича мазкур Йўриқноманинг 36-иловасига мувофиқ шаклдаги Муддатида йўқланмаган никоҳдан ажралишни қайд этиш ҳақидаги аризаларни йўқ қилиш бўйича далолатнома тузилади ҳамда мазкур аризалар ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилинади. Ушбу далолатномалар Муддатида йўқланмаган аризаларни йўқ қилиш далолатномалари йифмажилдига тикиб қўйилади.

91. Ариза берилган кундан бошлаб, олти ойлик муддатдан кейин никоҳдан ажралишни қайд этиш истагини билдирган шахслар никоҳдан ажралишни қайд этиш ҳақида ариза билан умумий асосларда қайта мурожаат этишлари лозим.

92. Никоҳдан ажралишни суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида қайд этиши эр ёки хотиннинг ёхуд эр ёки хотиндан бирининг ишончнома асосида харакат қилувчи вакилининг ушбу Йўриқноманинг 37-иловасига мувофиқ шаклдаги Никоҳдан ажралишни қайд этиш тўғрисидаги аризаси асосида амалга оширилади. Бунда аризага суднинг ҳал қилув қарори илова қилинади.

Суднинг ҳал қилув қарорида никоҳгача бўлган фамилияни қайтариш масаласи кўрсатилмаган бўлса, ариза берувчининг никоҳгача бўлган фамилияни қайтариш тўғрисидаги истаги никоҳдан ажралиш ҳақидаги аризада кўрсатилиши лозим.

93. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки бедарак йўқолган деб топилган эр (хотин) билан никоҳдан ажралишни қайд этиши учун хотин (эр) ФХДЁ органига мазкур Йўриқноманинг 38-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади.

Бунда, аризада муомалага лаёқатсиз эр (хотин) васийсининг манзили, шунингдек никоҳдан ажратишда танланадиган фамилия кўрсатилиши ҳамда суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорининг нусхаси илова қилиниши лозим.

ФХДЁ органи эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясини никоҳдан ажралишни қайд этиш ҳақидаги ариза берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ёзма равишда хабардор қилиши керак.

94. Содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган эр (хотин) билан никоҳдан ажралишни қайд этиши учун хотин (эр) ФХДЁ органига мазкур Йўриқноманинг 39-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади.

Бунда, аризада маҳкум(а)нинг жазони ўтаётган жойи, шунингдек никоҳ-

дан ажратишида танланадиган фамилия кўрсатилиши хамда суднинг қонуний кучга кирган ҳукмидан кўчирма илова қилиниши лозим.

95. Эр ёки хотиндан бирининг аризаси асосида никоҳдан ажратиш ҳақида аризани қабул қилган ФХДЁ органи маҳкум(а)ни, муомалага лаёқатсиз эр (хотин) васийсини аниқлаш учун шу куннинг ўзида ариза берувчи томонидан кўрсатилган манзил бўйича ушбу Йўриқноманинг 40 ва 41-иловаларига мувофиқ шаклдаги хабарнома юборади.

Муомалага лаёқатсиз эр (хотин)га вассий тайинланмагандан, хабарнома тегишли васийлик органига юборилади.

Хабарномада болалари тўғрисида, биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га унинг таъминоти учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжудлиги тўғрисида маълумотни тақдим этиш вақти кўрсатилади.

Хабарномада белгиланган муддат ичидаги жавоб келмаслиги ФХДЁ органи томонидан никоҳдан ажралишни қайд қилинишига тўскенилик қилмайди.

Хабарнома нусхаси ариза билан бирга тикиб қўйилади.

Эр ёки хотиндан бирининг аризаси асосида никоҳдан ажратиш ФХДЁ органига ариза билан мурожаат этилган кундан эътиборан бир ой ўтгач, лекинузфи билан уч ой ичидаги аризачининг иштирокида қайд этилади.

Болалар тўғрисида, биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр(хотин)га унинг таъминоти учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлган тақдирда ФХДЁ органи ариза берувчига никоҳдан ажралишни қайд этиш суд томонидан амалга оширилиши ҳақида асослантирилган хulosга тақдим этади.

96. МДҲ мамлакатлари ва чет эл давлатлари суди томонидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида ажрашган шахслар никоҳдан ажратилганинги тасдиқловчи ҳужжати (гувоҳнома, маълумотнома, сертификат ва ҳ.к.)нинг легализация қилинган ёки апостиль қўйилган ксеронусхаси унинг таржимаси билан бирга ФХДЁ органига тақдим этиши лозим. Бунда ФХДЁ органи томонидан никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига тегишли ёзув киритилади ҳамда унга бу ҳақда маълумотнома берилади.

97. Барча ҳолатларда никоҳдан ажралишни қайд этган ФХДЁ органи томонидан никоҳ тузилганлигини қайд этган ФХДЁ органига ва тегишли ФХДЁ архивига бу ҳақда икки иш куни ичидаги электрон ахборот тизими орқали мазкур Йўриқноманинг 42-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарнома юборилади, далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно. Ушбу хабарнома асосида ФХДЁ органи ва ФХДЁ архиви томонидан никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига белги киритилади.

98. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий давлатларнинг ва-

колатли органларида қайд қилинган никоҳдан ажралиш ҳақидаги маълумотлари легализация қилинган ёки апостиль қўйилган никоҳдан ажралганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида (гувоҳнома, сертификат ва бошқа ҳужжатлар) электрон ахборот тизимиға киритилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

VI боб. Ўлимни қайд этиш

99. Ўлимни қайд этиш ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома ёки суднинг шахсни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарорига асосан амалга оширилади.

Ўлимни қайд этиш учун асос бўлган ҳужжат ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувининг нусхаси билан бирга тикилади (ўлим композит давлат хизмати сифатида қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно) ва тегишли ФХДЁ архивида сақланади.

100. Ўлимни қайд этиш учун ФХДЁ органига ўн олти ёшгача бўлган вафот этган шахснинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ҳужжатлари тақдим этилади. Ушбу ҳужжат тақдим этилмаган ҳолларда ўлимни қайд этиш рад этилмайди. Бунда далолатнома ёзувининг «Белгилар учун» устунига туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси топширилмаганлиги ва далолатнома ёзувининг ўлим ҳақида тиббий гувоҳномага ёки суднинг шахсни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарорига асосан қайд этилганлиги ёзиб қўйилади.

Агар вояга етмаган вафот этган шахсга нисбатан ФХДЁ органида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилмаган бўлса, вафот этган шахсга туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилиб, бу ҳақда ариза берган шахсга маълумотнома берилади, шундан сўнг вафот этган шахсга нисбатан белгиланган тартибда ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилади.

101. Ўлимни қайд этиш учун ўлим тўғрисидаги тиббий маълумотнома берилган кундан бошлаб уч кундан кечикмай ФХДЁ органи томонидан ўлимни қайд этиш рад қилинмайди ва умумий асосларда амалга оширилади.

Ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома берилган вақтдан бошлаб уч кундан кейин мурожаат этилганда, ФХДЁ органи томонидан ўлимни қайд этиш рад қилинмайди ва умумий асосларда амалга оширилади.

Бунда, ФХДЁ органи вафот этган шахсга нисбатан ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилган ёки қайд этилмаганлигини электрон ахборот тизими орқали текшириб олади.

102. Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилгач ариза берувчига ўлим ҳақида гербли гувоҳнома ҳамда мазкур Йўриқноманинг 43-иловасига мувофиқ шаклда дафн этиш жойига топшириш учун маълумотнома расмийлаштирилади ва мурожаат қилган шахсга тақдим этилади.

Ўлим ҳолати Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 89-сон қарори билан тасдиқланган Ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ электрон ахборот тизимида композит давлат хизмати шаклида қайд этилганда, тиббиёт

муассасалари томонидан ўлим ҳолати ФҲДЁ органларида қайд қилинганлиги ҳақида QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома берилади.

Бунда, вафот этган шахснинг қариндошлари, яқин кишилари ва мерос-хўрлари исталган вақтда экстерриториал тамойил асосида ФҲДЁ органига ўлим ҳақидаги гувоҳнома берилишини сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Ушбу ҳолатда, ФҲДЁ органи марҳумнинг ЖШШИРи орқали электрон ахборот тизимида композит давлат хизмати шаклида қайд этилган далолатнома ёзувини қидириб топади ҳамда ушбу далолатнома ёзувига ўлим ҳақидаги гербли гувоҳноманинг серияси ва рақамини киритиб, гербли гувоҳномани чоп этиб беради.

103. Чет элда вафот этган (хорижий давлатнинг ваколатли органида ўлими қайд қилинган) шахснинг маълумотлари легализация қилинган ёки апостиль қўйилган вафот этганлигини тасдиқловчи хужжатлари асосида (гувоҳнома, сертификат ва бошқа хужжатлар) электрон ахборот тизимида киритилади ва зарур бўлган ҳолларда ФҲДЁ органи томонидан мазкур Йўриқноманинг 44-иловасига мувофиқ шаклда дафн этиш жойига топшириш учун маълумотнома берилади. Ушбу маълумотнома ФҲДЁ органидан жўна-тилаётган хатларни рўйхатга олиш электрон дафтарига кирим қилинади ва уларнинг нусхаси тегишли йиғмажилдга тикилади.

Бунда, белгиланган тартибда тегишли нафақа тайинланиши учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (бундан бўён матнда Пенсия жамғармаси деб юритилади) туман (шаҳар) бўлимига электрон ахборот тизими орқали ўлим ҳақида хабарнома юборилади.

104. Фуқаролар йиғинлари томонидан ҳар ойда ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувлари ва ҳисботлар ФҲДЁ органларига топширилади.

105. Боланинг туғилиши бир ой муддат ичидаги қайд этилмасдан у вафот этганда, унга туғилиш ҳақидаги далолатнома ёзуви ҳамда бир вақтнинг ўзида ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви расмийлаштирилиб, талаб қилинганда ўлим ҳақидаги гувоҳнома берилади.

106. ФҲДЁ органи томонидан ўн олти ёшгача вафот этган болага нисбатан ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилгандан сўнг, вафот этган шахснинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг «Белгилар учун» устунига унинг вафот этганлиги ҳақида ёзув киритилади. Агар вафот этган шахснинг туғилиши Ўзбекистон Республикаси доирасида бошқа ФҲДЁ органи томонидан қайд этилган бўлса, бу ҳақда ўлимни қайд этган ФҲДЁ органи томонидан туғилишни қайд этган ФҲДЁ органига электрон ахборот тизими орқали мазкур Йўриқноманинг 45-иловасига мувофиқ шаклда хабарнома юборилади.

107. Ўн олти ёшгача вафот этган болаларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари ҳар чорақда тузиладиган далолатнома асосида ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилинади. Бунда, далолатномада вафот этган боланинг фамилияси, исми, далолатнома ёзуви рақами ва санаси, гувоҳноманинг серияси ва рақами кўрсатилиши шарт.

Ёқилаётган гувоҳномаларнинг қирқиб олинган серияси ва рақамлари далолатномага ёпиширилган ҳолда ФҲДЁ органида сақланади.

VII боб. Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш

108. Далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

«Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 15-моддаси асосида тарихий ва миллий анъаналарга риоя қилиш мақсадида фамилияси, исми, отасининг исмини ёздириш истаги бўлганда;

оталик белгиланганда;

фарзандликка олинганда;

ота-онанинг ўзаро келишувига кўра (шунигдек ота-она никоҳдан ажратилганда) ёки ҳоким қарорига кўра вояга етмаган боланинг фамилияси ўзгартирилганда;

миллати ўзгартирилганда;

никоҳда турмаган она томонидан боланинг отаси ҳақидаги маълумотларни ўзгартириш ҳақида ариза берилганда (бola 16 ёшга етгунга қадар);

суд қарори билан оталикни белгилаш ҳақиқий эмас деб топилганда, ота ҳақидаги маълумотлар бекор қилинганда ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда;

ота-онасининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгартирилиши муносабати билан вояга етмаган боланинг фамилияси ва отасининг исми ўзгартирилганда;

далолатнома ёзувларида имловий хато ва ноаниқликлар бўлганда, шунингдек туғилган вақти, жойи ва отасининг исми ҳақидаги ёзув мавжуд бўлмаганда;

16 ёшга тўлмаган боланинг исми ва фамилияси ўзгартирилганда, агар исми ва фамилияси ота-онасининг хоҳиши ҳисобга олинмаган ҳолда берилган бўлса;

агар далолатнома ёзувида исми қисқартириб ёки эркалатиш шаклида ёзилган бўлса;

жинси ўзгартирилганда.

Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш учун ариза берувчи мазкур Йўриқноманинг 46-иловасига мувофиқ шаклдаги Да-лолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ариза билан доимий яшаш жойидан қатъи назар, ФҲДЁ органига мурожаат қиласи.

Бунда, ариза берувчи ФҲДЁ органига шахсан ўзи келолмаган тақдирда, далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш консул ёки нотариус томонидан тасдиқланган ишончнома ва ариза асосида амалга оширилиши мумкин.

Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувига тузатишлар киритиш яқин қариндош(лар) ёки меросхўр(лар)нинг аризасига кўра ФҲДЁ органи томонидан амалга оширилади.

Вафот этган шахсларнинг туғилганлик, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралганик ҳақидаги далолатнома ёзувларига тузатиш ва қўшимчалар суд қарорига асосан ФХДЁ органи томонидан киритилади.

109. Қабул қилинган аризалар шу куннинг ўзида мазкур Йўриқноманинг 47-илювасига мувофиқ шаклдаги Далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш электрон дафтариға кирим қилиниб, ариза ва тақдим этилган хужжатлар алоҳида йиғмажилдга тартиб билан тикилади.

110. Ўн олти ёшга тўлмаган боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш ота-онасининг биргалиқдаги ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг мазкур Йўриқноманинг 48-илювасига мувофиқ шаклдаги аризаси асосида амалга оширилади.

Ўн ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади. Бунда боланинг розилиги ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан берилган аризада унинг шахсий имзоси билан ифодаланади.

Бола ўн олти ёшга тўлиши билан шахсини тасдиқловчи хужжатини олгунга қадар, туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида хатоларни тузатиш ёки исмига қўшимча киритиш, боланинг аризаси, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси асосида амалга оширилади.

Масалан, имловий хато билан ёзилган «Адил» деган исмни «Одил»га ўзгартириб тузатиш киритиш ёки «Азим» деган исмга «-бек» қўшимчасини киритиб, «Азимбек»ка ёхуд отасининг миллатини «ўзбек»дан «туркман»га ўзгартириш каби.

111. Агар шахс Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Конунининг 15-моддасига кўра шахснинг фамилиясига «-ев», «-ов», «-ева», «-ова», исмига «-хон», «-хўжа», «-хожи», «-бек», «-бону», «-биби», «-бегим», «-зода», «мир-», «абду-» каби қўшимчаларни, ота исмини ёзишда «-евич», «-ович», «-евна», «-овна», «қизи», «ўғли», «-ий», «-зода» каби қўшимчаларни киритишини ёки олиб ташлашни истаса, бу далолатнома ёзувига қўшимча киритиш йўли билан амалга оширилади.

112. Агар далолатнома ёзувида шахснинг исми қисқартирилиб, эркалаш шаклида ёки имловий хато билан ёзилган бўлса, далолатнома ёзувига тузатиш киритиш ушбу шахснинг аризаси амалга оширилади.

Масалан, туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида шахснинг исми Моҳчехра деб ёзилган бўлса — Моҳичехрага, Батир деб ёзилган бўлса — Ботирга ўзгартириш каби.

113. Никоҳ тузилганлигини қайд этишда эрининг (хотинининг) фамилиясини умумий фамилия сифатида танлаган, лекин шахснини тасдиқловчи хужжати ўзгаришсиз қолган хотиннинг (эрнинг) ўзининг никоҳгача бўлган фамилиясига қайтиш ҳақидаги талаби никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш орқали қаноатлантирилади.

114. Никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг «Никоҳдан ажралгандан кейинги фамилияси» устунида никоҳгача бўлган фамилияси қўрсатилган, лекин шахсини тасдиқловчи хужжати ўзгаришсиз қолган

эр ёки хотиннинг никоҳдан ажралгунга қадар бўлган фамилиясига қайтиш ҳақидаги талаби никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш орқали қаноатлантирилади.

115. Шахснинг жинси ўзгарганда, далолатнома ёзувига тузатиш киритиш фақат тиббиёт муассасасининг хулосасига асосан амалга оширилади.

116. ФҲДЁ органи томонидан ариза ўн кун ичидан кўриб чиқилиши лозим, узрли сабаб мавжуд бўлганда (ўзгартириш киритилишига асос бўлган далолатнома ёзувларидан нусхалар мавжуд эмаслиги) аризани кўриб чиқиш муддати ФҲДЁ органи мудири томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин.

Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритилганда ариза берувчига янги гувоҳнома расмийлаштириб берилади.

Далолатнома ёзуви бошқа ФҲДЁ органида қайд қилинган бўлса, ариза берувчи мурожаат қилган ФҲДЁ органи томонидан ариза қабул қилинган вақтдан бошлаб бир иш куни ичидан мазкур Йўриқноманинг 49-иловасига мувофиқ шаклда Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида хабарнома юборилади.

Бунда, далолатнома ёзувини қайд қилган ФҲДЁ органи хабарнома келиб тушган вақтдан бошлаб икки иш куни ичидан далолатнома ёзувига зарур ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиб, далолатнома ёзувини электрон ахборот тизими орқали тасдиқлайди ҳамда далолатнома ёзувининг ФҲДЁ архивида сақланаётган иккинчи нусхасига ҳам шундай ёзувлар киритиш учун тегишли ФҲДЁ архивига электрон ахборот тизими орқали мазкур Йўриқноманинг 49-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарнома юборади, далолатнома ёзуви бир нусхада қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш сабабли бериладиган янги гувоҳномага «такрорий» деб белги қўйилмайди.

117. Ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзувлари Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида қайд этилган бўлса, ФҲДЁ органи раҳбари томонидан ўзгартиришлар қайд этиладиган далолатнома ёзувларининг сонига мувофиқ нусхада, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудида қайд этилган никоҳ тузилганлиги ва ўлим ҳақидаги, ака-укалар ва опа-сингилларнинг туғилганлик ҳақидаги ва бошқа далолатнома ёзувларида тафовутлар бўлган холларда, икки нусхада мазкур Йўриқноманинг 50-иловасига мувофиқ шаклдаги Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида хулоса тузилади.

Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида хулоса тузилиши лозим бўлган аризалар бўйича хужжатлар алоҳида йиғмажилдга тикилади ҳамда ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзувлари нусхаси ушбу йиғмажилдга қўшиб қўйилади.

118. Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш учун асос бўлган ҳолатлар ҳақида далолатнома ёзувининг «Белгилар учун» устунида қисқа ва аниқ изоҳ ёзилиб, ФҲДЁ органи масъул ходимининг фамилияси кўрсатилади, шунингдек далолатнома ёзувининг қорозга чоп этил-

ган нусхаси ФҲДЁ органи ходими томонидан имзоланиб, гербли муҳр билан тасдиқланади.

Масалан, 16.01.2022 йилдаги 125-сон аризага асосан бола ва онанинг фамилияларига тузатиш киритилди.

119. Ариза берувчининг талабига кўра унга ФҲДЁ органи томонидан мазкур Йўриқноманинг 51-иловасига мувофиқ шаклдаги Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритилганлиги тўғрисида маълумтнома берилади.

120. Ўн олти ёшга тўлган шахснинг далолатнома ёзувига унинг фамилия, исми ва ота исми ҳамда туғилган санаси ва жойи ҳақидаги ёзувларга ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг, ФҲДЁ органи томонидан уч кун муддат ичидаги ушбу шахснинг яшаш жойидаги ички ишлар ва мудофаа ишлари органларига мазкур Йўриқноманинг 52-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарнома юборилади.

121. Аризанинг юқори ўнг бурчагига янги гувоҳноманинг серияси, рақами, берилган санаси ёзилади ҳамда янги гувоҳнома ариза берувчига топширилади.

122. Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш учун асослар мавжуд бўлмаган ёки манфаатдор шахслар ўртасида низом мавжуд бўлган ҳолларда ФҲДЁ органи томонидан мазкур Йўриқноманинг 53-иловасига мувофиқ шаклдаги Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритишни рад этиш тўғрисида хулоса тузилади ва мурожаат қилувчига берилади.

VIII боб. Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш

123. Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш учун ФҲДЁ органига мазкур Йўриқноманинг 54-иловасига мувофиқ шаклдаги Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақида ариза билан мурожаат қилинади ва мазкур ариза шу куннинг ўзида ушбу Йўриқноманинг 55-иловасига мувофиқ шаклдаги Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақида аризаларни рўйхатга олиш электрон дафтарига кирим қилиниб, ариза ва тақдим қилинган ҳужжатлар ўзгартириш киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзуви нусхаси билан алоҳида йигмажилдга тартиб билан тикилади.

Фамилия, исм, ота исмини ишончнома орқали ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

124. Ўзгартириш киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзуви бошқа ФҲДЁ органида қайд этилган бўлса, ариза берувчи мурожаат қилган ФҲДЁ органи томонидан сўровнома асосида электрон ахборот тизими орқали мазкур далолатнома ёзувининг нусхаси олинади.

125. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 154 ва 155-бандларига мувофиқ, ФҲДЁ органи раҳбари шу куннинг ўзида текшириш ўтказиш учун ички ишлар органига электрон ахборот тизими орқали ушбу Йўриқноманинг 56-иловасига мувофиқ шаклдаги сўровнома юборади.

Ички ишлар органи тақдим қилинган ҳужжатларни йигирма кун мобайнида ўрганиб чиқади, ариза берувчининг фамилияси, исми, ота исмини ўзгартириш хусусида асосланган хulosса тузади ва уни ФХДЁ органига ахборот тизими орқали тақдим этади.

Ариза берувчининг фамилияси, исми, ота исмининг ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хulosса тузилган тақдирда ушбу ҳолатнинг аниқ сабаблари кўрсатилади.

Ички ишлар органининг хulosаси йиғмажилдга тикиб қўйилади.

126. Аризага илова қилинган ҳужжатлар ва ички ишлар органининг жавоб хатига асосан ФХДЁ органи раҳбари томонидан мазкур Йўриқноманинг 57-иловасига мувофиқ шаклдаги Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш (рад этиш) тўғрисида хulosса тузилади.

127. Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги хulosага асосан, тегишли (туғилганлик, никоҳ тузилганлиги ёки никоҳдан ажралганлик, 16 ёшга тўлмаган болаларнинг туғилганлик ҳақидаги) далолатнома ёзувлариға ариза берувчининг янги фамилия, исм, ота исми киритилиб, улар асосида янги гувоҳномалар берилади.

128. Ўзгартириш киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзуви бошқа ФХДЁ органида қайд этилган бўлса, ариза берувчи мурожаат қилган ФХДЁ органи томонидан ариза келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичидаги электрон ахборот тизими орқали тегишли ФХДЁ органига ушбу Йўриқноманинг 59-иловасига мувофиқ шаклда Фамилия, исм, ота исмини ўзгартирганлик сабабли далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш ҳақида хабарнома юборилади.

Далолатнома ёзувини қайд қилган ФХДЁ органи хабарнома келиб тушган вақтдан бошлаб икки иш куни ичидаги далолатнома ёзувига зарур ўзгартириш киритиб, далолатнома ёзувини электрон ахборот тизими орқали тасдиқлайди ҳамда далолатнома ёзувининг ФХДЁ архивида сақланаётган иккинчи нусхасига ҳам шундай ўзгартириш(лар) киритиш учун тегишли ФХДЁ архивига электрон ахборот тизими орқали мазкур Йўриқноманинг 58-иловасига мувофиқ шаклда хабарнома юборади, далолатнома ёзуви бир нусхада юритилган ҳолатлар бундан мустасно.

129. Фамилия, исм, ота исми ўзгартирилган шахсга ушбу Йўриқноманинг 59-иловасига мувофиқ шаклда Фамилия, исм, ота исми ўзгартирганлиги ҳақида маълумотнома берилади.

130. Шахснинг фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақида аризасини қабул қилган ФХДЁ органи томонидан ариза берувчига янги гувоҳнома берилганидан сўнг ички ишлар ва мудофаа ишлари органларига уч кун ичидаги ушбу Йўриқноманинг 60-61-иловаларига мувофиқ шаклда хабарнома юборилади.

Фамилия, исм, ота исмини ўзгартирганлик сабабли берилган янги гувоҳноманинг серияси, рақами ва берилган санаси фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги хulosага ёзиб қўйилади.

131. Фамилия, исм, ота исмини ўзгартирганлик сабабли бериладиган янги гувоҳномалар Такрорий гувоҳномаларни сарфлаш электрон дафта-

рида қайд этилади. Бунда янги гувоҳномага «такрорий» деб белги қўйилмайди.

132. Фамилия, исм, ота исми ўзгартирилган шахс иккинчи марта ФХДЁ органига мазкур масалада бир йил ўтгандан сўнг мурожаат этиши мумкин.

IX боб. Далолатнома ёзувларини тиклаш

133. Далолатнома ёзувларини тиклаш деганда илгари шундай ёзув бўлганлигини тасдиқловчи етарли асослар бўлганида, ўқолган ёзувларни қайта тиклаб қўйиш тушунилади.

Туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувлари бу ёзувлар кимга нисбатан тузилган бўлса, фақат ана шу шахсларнинг ушбу Йўриқноманинг 62-63-иловаларига мувофиқ шаклдаги аризасига кўра тикланади.

Агар ўн олти ёшгача бўлган боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви ўқолган бўлса, ёзув боланинг ота-онаси, васийси, ҳомийси, болалар муассасаси маъмуриятининг аризасига биноан тикланади.

Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклаш суднинг ҳал қилув қарорига асосан амалга оширилади.

Далолатнома ёзувини ишончнома орқали тиклашга йўл қўйилмайди.

134. Далолатнома ёзувларини тиклаш тегишлилигига кўра Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 129, 133 ва 134-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Бунда ариза берувчининг илтимосини асословчи бошқа ҳужжатлар сифатида гербли гувоҳномалар ёки ҳарбий хизматга алоқадорликни тасдиқловчи ҳужжатлар, уларнинг ксеронусхаси (нусхаси), ариза берувчининг ўқиш ёки иш жойидан берилган маълумотнома, ўй дафтаридан олинган кўчирмалар, ички ишлар органларининг маълумотномаси, ФХДЁ органлари томонидан шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга никоҳ ва никоҳдан ажралиш қайд этилганлиги ҳақида белги қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин.

135. Далолатнома ёзувини тиклаш ҳақидаги ариза қабул қилинган куннинг ўзида ушбу Йўриқноманинг 64-иловасига мувофиқ шаклдаги Далолатнома ёзувларини тиклаш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш электрон дафтарига кирим қилинади.

ФХДЁ органи заруратга қараб ФХДЁ органлари ва бошқа тегишли ташкилотлардан далолатнома ёзувини тиклашга асос бўлувчи ҳужжатлардан нусхалар ва маълумотлар сўраб олиши мумкин.

Аризани қабул қилган ФХДЁ органи илгари мавжуд бўлган далолатнома ёзувининг ўқолганлиги сабабларига аниқлик киритиши лозим.

136. Агар ариза берувчи томонидан туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки унинг ксеронусхаси (нусхаси), ҳарбий хизматга алоқадорликни тасдиқловчи

хужжатлар ёки уларнинг нусхалари тақдим этилган бўлса, аризани қабул қилган ФХДЁ органи ушбу гувоҳнома кимга нисбатан ва қайси ФХДЁ органи томонидан сарфланганилигига, ҳарбий хужжат қайси хужжат асосида берилганилигига аниқлик киритиш учун тегишли ФХДЁ органи ва ФХДЁ архивига ҳамда мудофаа ишлари органига ушбу Йўриқноманинг 65-иловасига мувофиқ шаклдаги сўров юборади.

137. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклашда шахс туғилган жойдаги тиббиёт муассасасига (туғруқхонага) унинг туғилганлиги қайд этилган ёки этилмаганлиги ҳақида, таълим муассасасига шахснинг қандай хужжат асосида ўқишига қабул қилинганилиги ҳақида, шунингдек тегишли ички ишлар органига шахсни тасдиқловчи хужжат қайси хужжат асосида берилганилиги ҳақида сўров юборилади.

138. Ариза берувчининг ота-онасига тегишли никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувини ўрганишда унинг «умумий фарзандлар тўғрисида маълумот» устунига, ака-укалари, опа-сингилларининг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларини ўрганишда эса, уларнинг «онанинг неchanчи боласи» устунларига (болаларнинг туғилиши кетма-кетлигига) алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Масалан, 1995 йили 27 сентябрда туғилган фуқаро Д. Иброҳимова далолатнома ёзувини тиклаш ҳақидаги аризага 1994 йил 10 майда Қўқон шаҳар ФХДЁ бўлимида қайд этилган ота-онасининг никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувидан кўчирма тақдим этди. Никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувининг «умумий фарзандлари тўғрисидаги маълумот» устунида «қизи Д. Иброҳимова 1995 йил 27 сентябрда туғилган» деб маълумот киритилган бўлиши шарт.

139. Никоҳ тузилганлиги ва никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларини тиклашда эр-хотиннинг фарзандларининг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувлари ва уларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатлари текширилади.

Бунда шахсни тасдиқловчи хужжатлар алмаштирилган ёки алмаштирилмаганлигига эътибор берилади, алмаштирилган бўлса, бунинг сабабларига аниқлик киритилади. Шунингдек, ички ишлар органларига ушбу эр-хотиннинг оиласи аҳволи ҳақида маълумотлар бор ёки йўқлиги юзасидан сўров юборилади.

140. Агар ариза берувчи томонидан тегишли далолатнома ёзувини тиклашни асословчи хужжат сифатида никоҳ тузилганлиги ва никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки уларнинг ксеронусхаси (нусхаси) тақдим этилган бўлса, ушбу гувоҳнома кимларга нисбатан ва қайси ФХДЁ органи томонидан расмийлаштирилганлиги, шахсини тасдиқловчи хужжатларга қайси ФХДЁ органи томонидан белги қўйилганлигига аниқлик киритилиши лозим. Бунда тегишли ФХДЁ органи ва ФХДЁ архивларига ушбу гувоҳномалар ва қўйилган белгилар юзасидан сўров юборилади.

141. 1998 йил 1 сентябрдан 2010 йил 15 сентябргача бўлган даврда қо-

нуний кучга кирган суд қарорлари бўйича никоҳдан ажратишни қайд этиш мазкур боб қоидаларига биноан амалга оширилади.

Бунда, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гербли гувоҳноманинг «Бу ҳақда _____ ўйил _____ ойининг _____ кунида _____-сон билан далолатнома ёзуви қайд этилди» устунида қонуний кучга кирган суд қарорининг санаси, қавс ичидаги эса тикланган далолатнома ёзувининг рақами ва санаси ёзиб қўйилади.

142. Далолатнома ёзувларини тиклаш учун етарли асослар бўлмаса, ФХДЁ органи томонидан ушбу Йўриқноманинг 66-иловасига мувофиқ шаклдаги далолатнома ёзувини тиклашни рад қилиш ҳақида хulosса тузилади, хulosада рад қилиш сабаблари аниқ кўрсатилади ва ариза берувчига судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилади.

Масалан, 1993 йил 20 апрелда туғилган фуқаро Зарифа Валиеванинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклаш ҳақидаги аризасига илова қилинган таълим муассасасининг маълумотномасида унинг фамилияси «Алиева» деб кўрсатилган, ота-онасининг 1994 йил 5 январдаги 4-сон никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувининг «умумий фарзандлари тўғрисида маълумот» устунида у ҳақда маълумот кўрсатилмаган бўлса ёки далолатнома ёзувини тиклаш ҳақидаги аризага ака-укаларининг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирмалар илова қилинган бўлиб, у иккинчи фарзанд эканлиги кўрсатилган, акасининг далолатнома ёзувининг «онанинг неchanчи боласи» устунида эса акаси «2» (иккинчи) фарзанд эканлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

143. Далолатнома ёзувларини тиклаш уларни тиклаш учун асос бўлган барча ҳолатлар ФХДЁ органи томонидан аниқланганидан кейингина амалга оширилади. Бунда, ФХДЁ органи томонидан ушбу Йўриқноманинг 67-68-иловаларига мувофиқ шаклдаги далолатнома ёзувини тиклаш ҳақида хulosса тузилади.

Тикланган далолатнома ёзувининг «Белгилар учун» устунида тиклаш учун асос бўлган хulosанинг санаси ва ўифмажилд рақами кўрсатилади.

144. Консул томонидан Ўзбекистон Республикасининг чет элда яшовчи фуқароларидан қабул қилинган далолатнома ёзувларини тиклаш ҳақидаги аризалар ариза берувчиларнинг Ўзбекистон Республикасидаги охирги яшаш жойидаги ФХДЁ органи томонидан кўриб чиқилади.

Келиб тушган ариза ФХДЁ органи томонидан Далолатнома ёзувларини тиклаш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш электрон дафтарига кирим қилинади.

Далолатнома ёзувларини тиклаш учун асос бўлган барча ҳолатлар ФХДЁ органи томонидан аниқлангандан кейингина далолатнома ёзуви тикланиб, янги гувоҳнома расмийлаштирилади ва белгиланган тартибда консуллик муассасаларига юборилади.

145. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви тикланганда, далолатнома ёзувига боланинг ота-онаси тўғрисидаги маълумотлар уларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатлари асосида, агар улар (улардан бири) вафот этган бўлса, уларнинг ўлим ҳақидаги гувоҳномалари ёки маълумотномалари асосида тўлдирилиши лозим.

Х боб. Такрорий гувоҳномалар ва бошқа маълумотлар бериш

146. ФҲДЁ органи томонидан манфаатдор шахсларнинг аризаларига кўра ва қайд этилган далолатнома ёзувлари асосида такрорий гувоҳнома ва маълумотномалар берилади.

Далолатнома ёзувлари бошқа ФҲДЁ органида қайд қилинган бўлса, манфаатдор шахснинг такрорий гувоҳнома ва маълумотнома бериш ҳақидаги аризаси ушбу ариза келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичидан далолатнома ёзуви қайд этилган ФҲДЁ органига юборилади.

Далолатнома ёзувини қайд қилинган ФҲДЁ органи тегишли аризани қабул қилиб олган вақтдан бошлаб икки иш куни ичидан далолатнома ёзувини аризадаги маълумотлар билан солиштирган ҳолда электрон ахборот тизими орқали тасдиқлади.

Ариза берувчидан такрорий гувоҳнома бериш ҳақидаги аризани қабул қилинган ФҲДЁ органи тегишли тасдиқномани олган вақтдан бошлаб бир соат ичидан далолатнома ёзувига гувоҳнома серияси ва ракамини киритади.

Бунда, такрорий гувоҳнома далолатнома ёзувида мавжуд бўлган маълумотлар асосида ўзгаришсиз чоп этилади ва гувоҳноманинг ички қисми ўнг томонининг юқори қисмига «такрорий» деб белги қўйилади.

147. Туғилганлик ҳақидаги маълумотномалар ва такрорий гувоҳномалар фуқаронинг ўзига, вояга етмаган шахсларнинг қонуний вакилларига ёки нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома орқали бошқа шахсларга уларнинг мазкур Йўриқноманинг 69-иловасига мувофиқ шаклдаги аризаси асосида берилади.

Чет элда яшовчи фуқаро томонидан берилган ҳамда чет тилида тузилган ишончнома белгиланган тартибда легализация қилинган ёки апостиль қўйилган бўлиши лозим.

148. Далолатнома ёзувининг айрим устунлари тўлдирилмаган бўлса, у ҳолда такрорий гувоҳноманинг тегишли устунларига чизиқлар қўйилади.

Агар туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг «отасининг исми» устуни мавжуд бўлмаган, бироқ ушбу далолатнома ёзуви асосида расмийлаштирилган туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг тегишли устуни мавжуд бўлиб, унда отасининг исми қўрсатилган бўлса, туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳномада шахсни тасдиқловчи хужжат асосида отасининг исми қўрсатилади.

Масалан, 1957 йилда туғилган фуқаро Маматов Акрам Солиевич ФҲДЁ органига туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳнома олиш учун мурожаат этиди. 1957 йилда қайд этилган далолатнома ёзувида «отасининг исми» устуни мавжуд эмаслиги ва фақатгина унинг фамилияси ва исми қўрсатилганлиги аниқланди. Бироқ, унинг яроқсиз ҳолатга келган гувоҳномасида отасининг исми «Солиевич» деб қўрсатилган. Бу ҳолатда такрорий гувоҳноманинг «отасининг исми» устунига «Солиевич» деб қайд этилади.

149. Вафот этган шахсларга нисбатан туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар берилмайди. Вафот этган шахснинг яқин қариндошлари ва ме-

росхўрларига уларнинг мурожаатларига асосан вафот этган шахснинг туғилганлиги ҳақида маълумотнома берилади.

150. Никоҳ қайд этилганлиги ҳамда никоҳдан ажралганлик ҳақидаги тақорий гувоҳнома ёки маълумотнома далолатнома ёзуви қайд этилган тегишли шахсларнинг ўзларига ёки қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома орқали бошқа шахсларга уларнинг мазкур Йўриқноманинг 70-иловасига мувофиқ шаклдаги аризаси асосида берилади.

Зарур ҳолларда, никоҳланган ёки ажрашган шахсларнинг ота-оналари ва фарзандларига уларнинг аризаси асосида никоҳ тузилганлиги ёки никоҳдан ажралганлик қайд этилганлиги ҳақида маълумотнома берилади.

151. Никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзувида никоҳдан ажралиш қайд этилганлиги ҳақида белги бўлган ҳолларда тақорий гувоҳнома берилмайди. Бунда аввалги никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзуви асосида маълумотнома берилади.

152. Ўлим ҳақидаги тақорий гувоҳномалар ёки маълумотнома марҳумнинг яқин қариндошларига ва меросхўрларига ёки қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома орқали бошқа шахсларга уларнинг ушбу Йўриқноманинг 71-иловасига мувофиқ шаклдаги аризаси асосида берилади.

153. Тақорий гувоҳнома ёки маълумотнома олиш учун шахс ФҲДЁ органига шахсини тасдиқловчи хужжатининг аслини кўрсатган ҳолда мурожаат қиласди.

154. Тегишли далолатнома ёзуви ФҲДЁ органида мавжуд бўлмаган ҳолларда, тақорий гувоҳнома ёки маълумотнома бериш ҳақидаги ариза ушбу ФҲДЁ органида тегишли далолатнома ёзуви йўқлиги ҳақида ушбу Йўриқноманинг 72-иловасида кўрсатилган шаклдаги маълумотнома билан бирга, далолатнома ёзувининг иккинчи нусхаси сақланадиган ФҲДЁ архивига юборилиди, далолатнома ёзуви бир нусхада юритилган ҳолатлар бундан мустасно.

155. Далолатнома ёзувларидан нусха ёки улардан кўчирмалар Вазирлик, суд ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, юритувида мавжуд бўлган ишлар муносабати билан нотариуслар, шунингдек консуллик муассасаларининг сўровларига кўра берилиши (юборилиши) мумкин.

Далолатнома ёзувидаги барча маълумотлар далолатнома ёзувидан нусхага (кўчирмага) ўзгаришсиз кўчирилади ва унинг орқа тарафи пастки қисмига аслига тўғрилигини кўрсатувчи белги қўйилиб, ФҲДЁ органи раҳбарининг имзоси ва гербли муҳр билан тасдиқланади ҳамда кўчирилган сана ёзиб қўйилади.

Фуқароларга далолатнома ёзувларидан нусхалар берилишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, бегона шахсларга фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилганлиги ва уларга киритилган ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритилганлиги ҳақида маълумот бериш тақиқланади.

156. ФҲДЁ архивида далолатнома ёзуви қидириш далолатнома ёзуви қайд этилган деб кўрсатилган йил, ундан олдинги ҳамда кейинги уч йилликда қайд этилган дастлабки ва тикланган далолатнома ёзувлари бўйича амалга оширилади.

XI боб. ФХДЁ органларида далолатнома ёзувлари дафтарларининг рўйхатини (архив фондини) тузиш

157. ФХДЁ архиви ва ФХДЁ органлари архивлари жойлаштирилган хоналар темир стеллажлар билан жихозланган, қуёш нури ва захдан сақланган, шамоллатиб туришга мослаштирилган, дераза ва эшигига темир панжара ўрнатилган бўлиши лозим.

ФХДЁ архивида электр иситгичлар ва шамлардан фойдаланиш тақиқланаиди. Архив хонаси ва далолатнома ёзувлари ҳар етти кунда чанг ютич ёрдамида тозаланиши лозим.

158. Архив хонасига кириш ва далолатнома ёзувларидан фойдаланиш хуқуқига архив мудири, ФХДЁ органи раҳбари ва архив учун масъул ходимлар, шунингдек уларнинг ҳозирлигига адлия бошқармаси ва Вазирликнинг масъул ходимлари (тегишли бўйруқ асосида) ҳақли. Бошқа шахсларнинг архив хонасига кириши қатъяян ман этилади.

159. ФХДЁ архивлари ва ФХДЁ органлари архивларида мавжуд далолатнома ёзувлари дафтарларининг рўйхати (архив фонди) тузилади.

160. Далолатнома ёзувлари дафтар шаклида тикиш учун тайёрланганда, далолатнома ёзувларининг қайд этилган йили, тури ва далолатнома ёзувлари кетма-кетлигига риоя этилган ва ҳисобга олиш вараги қўшилган ҳолда тикилади.

Дафтарга тикилган далолатнома ёзувлари рақамланиб (қора қаламда юкори ўнг бурчагига), ишонч ёзувида «Жами ____ варақда далолатнома ёзуви тикилиб, рақамланди» деб кўрсатилади ва ФХДЁ органининг раҳбари томонидан имзоланиб, гербли муҳр билан тасдиқланади.

Дафтар муқовасига унинг номи ва ундаги далолатнома ёзувлари ҳақида ушбу Йўриқноманинг 73-иловасида кўрсатилган шаклга ёзиб қўйилади.

161. Далолатнома ёзувлари дафтарлари ФХДЁ архивида ҳар бир туман, шаҳар, фуқаролар йиғинлари бўйича хронологик тартибда, далолатнома ёзувлари турлари алоҳида ажратилган ҳолда сақланади.

162. ФХДЁ архивига келиб тушган далолатнома ёзувларига тегишли ўзгартириш киритиш ҳақидаги хабарномалар шу куннинг ўзида Хат, хабарнома ва аризаларни рўйхаттга олиш электрон дафтарига кирим қилиниб, ижроси таъминланиши лозим.

163. ФХДЁ архивидаги мавжуд далолатнома ёзувлари дафтарлари рақамланиб, ушбу Йўриқноманинг 74-иловасига мувофиқ шаклдаги Архив фонди дафтарига киритилади.

XII боб. Ҳужжатлар йиғмажиллари номенклатурасини тузиш ва йиғмажилларни шакллантириш

164. Ҳужжатлар йиғмажиллари номенклатураси фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд қилиш ва улар билан боғлиқ бўлган бошқа харакатлардан ташкил топган ҳужжатлардан шакллантирилди ва юритилади.

165. Йиғмажиллар қўйидагича шакллантирилиши ва юритилиши зарур:

йифмажилларга кўриб чиқилган ва натижасига кўра ижро этилган ёки рад қилинган хужжатларни жойлаштириш;

битта масаланинг ҳал қилинишига тааллуқли барча хужжатларни уларнинг иловалари билан биргаликда жойлаштириш;

йифмажилларда бир календарь йилга оид хужжатларни гурухлаш;

йифмажилд варакларининг жами 250 варакдан ошмаслигини таъминлаш, агар ортса, мазкур йифмажилдинг навбатдаги жилдини юритиш.

166. Йифмажилд охирида тоза варакқа мазкур йифмажилдга тикилган вараклар сони ёзилади. Ушбу варак ФХДЁ органи мудири томонидан имзоланади ҳамда муҳр билан тасдиқланади.

Йифмажилд муқовасидаги сана хужжатлар йигмажилдини юритиш бошланган ва тугалланган кун, ой ва йилга мувофиқ келиши керак.

167. ФХДЁ органлари фаолиятига оид хужжатларнинг ушбу Йўриқноманинг 75-иловасида кўрсатилган сақлаш муддатлари тугаганда, улар адлия бошқармасининг доимий фаолият олиб борувчи эксперт комиссияси иштирокида далолатнома асосида йўқ қилинади, қонунчилик хужжатларида ФХДЁ архивига ва Ўзбекистон Республикасининг Марказий архивига топширилиши назарда тутилган хужжатлар бундан мустасно.

Далолатнома эксперт комиссияси аъзолари ва ФХДЁ органи раҳбари томонидан имзоланади ҳамда унга ФХДЁ органининг гербли муҳри қўйилади.

XIII боб. Якуний қоида

168. Мазкур Йўриқнома талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУФИ**

**468 Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий
ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундирила-
диган тўловларнинг максимал миқдорларига қўшимчалар киритиш
тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
19 декабря рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3235-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартағи 156-сон «Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 29 майдаги 112-мҳ-сон буйруфи (рўйхат рақами 3235, 2020 йил 29 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2020 й., 10/20/3235/0698-сон) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 19 декабрь,
30-мҳ-сон

Келишилди:

*Монополияга қарши курашиши
қўмитаси раиси*

Ш. ШАРАХМЕТОВ

2022 йил 19 декабрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 деқабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 19 декабрдаги
30-мх-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва
техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган
тўловларнинг максимал миқдорларига киритилаётган
қўшимчалар**

1. Кўйидаги мазмундаги 27-позиция билан тўлдирилсин:

«			».
27.	Нотариус томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-иловасида назарда тутилган Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан маълумотлар берилганлиги учун ундириладиган йигимлар ставкаларининг 4-бандида белгиланган хужжатларни ахборот-коммуникация технологиялари орқали олиш ва чоп этиш (хар бир юридик шахс учун)***	5 %	

2. Изоҳ қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«***Мазкур ҳақ миқдорларининг 27-бандида назарда тутилган максимал ҳақ миқдорининг 50 фоизи «Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириши маркази» давлат муассасаси ҳисоб рақамига вазирлик ахборот тизимларини ривожлантириши учун йўналтирилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
КАДАСТР АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУФИ

469 «Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида^{*}

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2791-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 октябрдаги 610-сон «Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларнинг ҳисобини юритишида шаффофликни таъминлаш, шунингдек, кадастр соҳасидаги айрим маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳукуқий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ 2023 йил 1 январдан кучга киради.

Директор

Ф. ПУЛАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 30 ноябрь,
13-2022-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 21 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги
Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил
30 ноябрдаги 13-2022-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-хукукий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2016 йил 27 апрелдаги 34-сон «Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2791, 2016 йил 24 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 21-сон, 245-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2017 йил 15 декабрдаги 9-сон «Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2791-1, 2017 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 51-сон, 1255-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2021 йил 28 сентябрь 10-сон «Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2791-2, 2021 йил 21 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.10.2021 й., 10/21/2791-2/0984-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
КАДАСТР АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУФИ

470 «Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3211-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 октябрдаги 610-сон «Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларнинг ҳисобини юритишида шаффофликни таъминлаш, шунингдек, кадастр соҳасидаги айrim маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айrim идоравий норматив-ҳукуқий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Ф. ПУЛАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 6 декабрь,
14-2022-сон

Келишилди:

*Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори*

A. ОРТИКОВ

2022 йил 5 декабрь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2022 йил 29 ноябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 21 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги
Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил
6 декабрдаги 14-2022-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-хукукий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 17 декабрдаги 11-сон «Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги карори (рўйхат рақами 3211, 2020 йил 17 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й., 1-2-сон, 21-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 10 августдаги 7-2022-сон «Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзgartариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3211-1, 2022 йил 9 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.09.2022 й., 10/22/3211-1/0811-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

471 «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажмини тасдиқлаш хақида»ги буйруқга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3108-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПФ-75-сон «Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПҚ-136-сон «Спортни ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги 355-сон «Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайta тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 23 ноябрдаги 24-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажмини тасдиқлаш хақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3108, 2018 йил 28 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣй базаси, 28.12.2018 й., 10/18/3108/2394-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридағи Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 23 ноябрь,
16-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да 2022 йил 21 декабрда эълон қилинган.

Келишилди:

*Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазири*

А. ТОШКУЛОВ

2022 йил 08 ноябрь

*Таълим сифатини назорат
қилиш давлат
инспекцияси бошлиги*

У. ТАШКЕНБАЕВ

2022 йил 22 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил
23 ноябрдаги 16-мх-сон бўйруғига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги
хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва унинг
филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари
ҳажмини тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруққа киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Бўйруқда:

номи ва 1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти» деган сўзлар «Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги 355-сон «Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буораман:**».

2. Илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний
тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва Унинг
филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик
юкламалари хажмини тасдиқлаш хакида»ги
бу йўрукка киритилайтган ўзгартришларга
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси
жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил
23 ноябрдаги 24-мҳ-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини
ошириш институти ва Унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик
юкламалари хажми**

Т/р	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вакт мөъёри	Иш турларининг бажариланлигини аниклаш
1.	Қайта тайёрлаш, махсус ўкув курси ва малака ошириш курси тингловчилари учун ўкув (назарий, маъруза, амалий, семинар, лаборатория ва кўчма) машғулот ўтказиш.	Бир академик соат учунн — 1 соат.	Ўкув машғулотларининг ўтказилганлиги гурух журнални асосида аникланади.
2.	Масофавий таълим асосида қайта тайёрлаш, махсус ўкув курси ва малака ошириш курси тингловчилари учун онлайн машғулотларни ўтказиш.	Бир академик соат онлайн видеомашғулотлар учун — 1соат.	Ўкув машғулотларининг ўтказилганлиги гурух журнални асосида аникланади.
3.	Қайта тайёрлаш, махсус ўкув курси ва малака ошириш курси якуний аттестациясини (онлайн тест, сухбат, касбий фаoliyят натижаларини бахолашда) ўтказишда иштирок этиш.	Битта академик гурух учун онлайн тестга — 2 соат. Битта тингловчи учун якуний сухбата — 0,5 соат. Битта тингловчининг касбий фаолият натижасини баҳолаш учун — 0,5 соат.	Аттестация комиссиясининг баённомаси асосида аникланди.

<p>4.</p> <p>Фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даржинчи олиш учун — давъогар тадқиқотчи ёки мустақил изланиюнчига илмий рахбар (маслаҳатчилик килиш).</p>	<p>Битта тадқиқотчига бир ўкув йили учун — 100 соат;</p> <p>Битта мустақил изланиюнчига бир ўкув йили учун — 50 соат.</p>	<p>Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (бундан бўён матнда Институт деб юритилади) ва унинг филиаллари раҳбарининг теришли бўйруғи, илмий даражага таджикотчи ёки мустақил изланиюнчиг якка тартибдаги иш режаси асосида аникланади.</p>
<p>5.</p> <p>Дарслан ташкари вактда малакали мутахассислар ва спорчилар билан хамкорликда кайта тайёрлаш, маҳсус ўкув курси ва малака ошириш 30 соат.</p> <p>курси тингловчилиари учун уларнинг касбий кўниммаларини ривожлантириш бўйича очик, муаммоли, интеграциялашган маъруза махорат-дарсларига:</p> <p>Институт ёки филиал макоммаликни тасдиқланган, бир ўкув йилида кўти билан — 30 соат;</p> <p>республика макоммаликни тасдиқланганда, бир ўкув йилида кўти билан — 40 соат;</p> <p>халкаро макоммаликни тасдиқланганда, бир ўкув йилида кўти билан — 60 соат.</p>	<p>Битта тадқиқотчига бир ўкув йили учун — очик, муаммоли, интеграциялашган маъруза махорат-дарслари 5 соат;</p> <p>Институт ёки филиал макоммаликни тасдиқланган, бир ўкув йилида кўти билан — 30 соат.</p> <p>Институт ёки филиал макоммаликни тасдиқланганда, бир ўкув йилида кўти билан — 40 соат;</p> <p>халкаро макоммаликни тасдиқланганда, бир ўкув йилида кўти билан — 60 соат.</p>	<p>Институт ва филиалларда ўтказилган очик, муаммоли, интеграциялашган маъруза махорат-дарслари мавзулари бўйича тасдиқланган материаллар, тегишли режалар ва уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжатлар (кафедра йинилиши баённомаси) асосида аникланади.</p> <p>Институт Илмий кенгашни карори асосида яшашга тавсия этилган услубий кўлланма ва кўреатманар асосида аникланади.</p> <p>Институт Илмий кенгашни, карори билан нашр этишга тавсия этилган услубий кўлланма ва матнни контентнинг 1 та мавзуси учун — 3 соат;</p> <p>Матнли-график контентнинг 1 та мавзуси учун — 4 соат;</p> <p>Масофавий (оффлайн) таълим платформаси учун электрон контентлари яратиш.</p>
<p>6.</p> <p>Кайта тайёрлаш, маҳсус ўкув курси ва малака ошириш курси ўкув режасидаги модуларнинг ўкув-услубий мажмумасини яратиш ва янгилаш.</p>	<p>Кайта тайёрлаш, маҳсус ўкув курси ва малака ошириш курси ўкув режасидаги модуларнинг ўкув-услубий мажмумасини яратиш ва янгилаш.</p>	<p>Институт Илмий кенгашни, карори билан нашр этишга тавсия этилган услубий кўлланма ва матнни контентнинг 1 та мавзуси учун — 3 соат;</p> <p>Услубий кўлланма, кўрсатмалар тайёрлашга бир босма табок учун — 1,5 соат.</p>
<p>7.</p> <p>Кайта тайёрлаш, маҳсус ўкув курси ва малака ошириш курси ўкув режасидаги модуллари модуллари донрасида услубий кўлланма, кўрсатмалар ёзиш ва нашр этиш.</p>	<p>Кайта тайёрлаш, маҳсус ўкув курси ва малака ошириш курси ўкув режасидаги модуллари модуллари донрасида услубий кўлланма, кўрсатмалар ёзиш ва нашр этиш.</p>	<p>Институт Илмий кенгашни, карори билан нашр этишга тавсия этилган услубий кўлланма ва матнни контентнинг 1 та мавзуси учун — 3 соат;</p> <p>Матнли контентлари яратиш.</p>
<p>8.</p> <p>Масофавий (оффлайн) таълим платформаси учун электрон контентлари яратиш.</p>	<p>Масофавий (оффлайн) таълим платформаси учун электрон контентлари яратиш.</p>	<p>Институт Илмий кенгашни (филиаллар Илмий-методик кенгаш) карори билан масофавий (оффлайн) курсларда фойдаланишга тавсия этилган электрон контентлар асосида аникланади.</p>

8.		Видеоконтент (бир академик соатдан кам бўлмаган видео дарс) учун — 6 соат; Назорат учун (тест саволлари, топшириклар) контентинг 1 та мавзуси учун — 1 соат.
----	--	--

Изоҳ:

профессор-ўқитувчиларниң шахсий иш режалари мазкур педагогик юкламалар ҳажми асосида кафедра муддери томонидан түзилади ҳамда тегизили Ректор (директор) ўринбосари билан келишиган ҳолда Ректор (директор) томонидан тасдиқланади;

профессор-ўқитувчиларниң шахсий иш режаларига кафедра йиғилиши иштирокчиларниң тақлифига асосан Институт ва унинг филиаллари Илимий кенгашининг қарорига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин;

профессор-ўқитувчиларниң шахсий ишларни педагогик юкламалари ҳажми 400 соатдан кам бўлмаслиги тавсия этилади;

профессор-ўқитувчиларниң Ўзбекистон Республикаси Спортини ривожлантириши вазирлиги томонидан тасдикланган ўқув-услубий, илмий тадқиқот, ташкилий ва маънавий-маҳрифий ишлар рӯйхатида белгиланган, соатлар ҳажми ҳисобланмайдиган иш турлари профессор-ўқитувчилар томонидан кафедра ёки Илимий кенгаш тавсияси билан ихтиёрийлик асосида амалга оширилади ҳамда профессор-ўқитувчиларниң ойлик маошларини белгилай учун асос ҳисобланмайди;

мазкур педагогик юкламалар ҳажми Институт ва филиаллар профессор-ўқитувчиларниң шахсий йиллик иш режаларини шакллантириши ва уларнинг фаолиятида бажарилган ишлар ҳажмини аниқлаш учун асос ҳисобланади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

472 **Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169-7

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Конунига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 502-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2022 йил 9 декабрь,
66-сон

Т. ИШМЕТОВ

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2022 йил 9 декабрдаги
66-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 248-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«140 «Депозитга қўйилган пул маблағлари» субсчётидаги маблағларни ундириш имконияти бўлмагандан, мазкур Йўриқноманинг 251-банди талабла-ри ушбу маблағлар учун ҳам татбиқ этилади.».

2. 251-банд қуйидаги таҳrirда баён этилсин:

«251. Бюджет ташкилотлари умумий даъво муддати давомида ўзларининг дебиторлик қарзларини ундириш чораларини қўриши лозим.

Бюджет ташкилотининг дебиторлик қарзлари умумий даъво муддати ту-гаган, ушбу қарздорликни ундирилиши юзасидан тегишли суд қарори қабул қилинган ҳамда қарздорнинг ундирив қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки

* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 декабрда эълон қилинган.

ёки даромадлари йўқлиги туфайли ижро ҳужжатлари ташкилотга қайтариликдан тақдирда мазкур дебиторлик қарз умидсиз дебиторлик қарз деб ҳисобланади ва бюджет ташкилоти томонидан ташкилот раҳбари руҳсати билан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Бу қарздорлик қарздорнинг мулкий ахволи ўзгарган тақдирда ундириб олиш имконига эга бўлиш мақсадида кузатиб бориш учун у ҳисобдан чиқарилган пайтдан бошлаб балансдан ташқари 05 счётда кўрсатилиши лозим.

Балансдан ташқари 05 счётда кўрсатилган маблағлар З йилдан сўнг, балансдан ташқари счётдан хам ҳисобдан чиқарилади.».

3. 63-илова мазкур қўшимча ва ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия
ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган қўшимча ва
ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Бюджет ташкилотларида бухгалтерия
ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага
63-ИЛОВА

Бюджет ташкилотлари асосий воситаларининг йиллик эскириш МЕЪЁРЛАРИ

Гуруҳлар тартиб рақами	Кичик гуруҳлар тартиб рақами	Асосий воситаларнинг номи	Эскиришнинг йиллик энг юқори нормаси, фоизларда
I		Бинолар ва иншоотлар	
	1.	Бинолар	5
	2.	Иншоотлар	10
II		Кувурлар, электр узатиш ва телекоммуникациялар линиялари	15
III		Машиналар ва ускуналар (транспорт ускуналаридан ташқари)	20
IV		Транспорт ускуналари	
	1.	Ҳаво ва космик учиш аппаратлари ва улар билан боғлиқ ускуналар, кемалар ва қайиқлар, локомотивлар ва харакатдаги таркиб (темир йўл таркиби)	10
	2.	Автотранспорт воситалари, автомобиль кузовлари (корпуслари), тиркамалар ва ярим тиркамалар, бошқа транспорт ускуналари	20
V		Компьютерлар ва периферия ускуналари	40
VI		Бошқа гуруҳларга киритилмаган амортизация килинадиган активлар	15

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ
 ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
 ҚАРОРИ

473 Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3101-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги ва «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги ПФ-6252-сон «Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратуруси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратуруси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 14 ноябрдаги 145, 45-сон қарори (рўйхат рақами 3101, 2018 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 51-сон, 980-модда) билан тасдиқланган Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
 2022 йил 15 ноябрь,
 62-сон

Т. ИШМЕТОВ

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 декабрда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 7 ноябрь,
29-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг 2022 йил 15 ноябрдаги
62-сон ва Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2022 йил
7 ноябрдаги 29-сон қарорига
ИЛОВА

**Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима, 1-банд ва 23-банднинг биринчи хатбошидаги «профессио-
нал» деган сўз «турдош» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 2-бандда:

олтинчи хатбоши «унинг томонидан тақдим этилган ҳужжатлар» деган
сўзлардан кейин «, очик манбалар ва маълумотлар базаларида мавжуд бўл-
ган қўшимча тасдиқланган маълумотлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
саккизинчи хатбошидаги «профессионал» деган сўз «турдош» деган сўз
билан алмаштирилсин;

ён саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи,
ижро этувчи, маъмурий, суд ёки ҳарбий органда ёхуд халқаро ташкилотда
доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган,
ташкилий-бошқарув вазифаларини бажарадиган ва юридик аҳамиятга
эга бўлган ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли шахслар, шунингдек
чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг
таниқли сиёсатчилари ва сиёсий партияларининг таниқли аъзолари, шу жум-
ладан собиқ юқори мансабдор шахслар;»;

қўйидаги мазмундаги ўн тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахслар — юқори ман-
сабдор шахсларга ижтимоий ва касбий жиҳатдан бевосита боғлиқ бўлган
жисмоний шахслар;»;

ён тўққизинчи — йигирма иккинчи хатбошилар тегишли равишда йигир-
манчи — йигирма учинчи хатбошилар деб хисоблансан;

йигирманчи хатбошидаги «ёки терроризмни молиялаштириш» деган сўз-
лар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатиш-
ни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«юридик шахс ташкил этмаган чет эл тузилмаси — чет давлатнинг қонунчилик хужжатларига мувоғик юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этилган ва ўз иштирокчиларининг (пайчиларнинг, ишонч билдирувчиларнинг ёки бошқа шахсларнинг) ёхуд бошқа бенефициарларнинг манфаатларини кўзлаб даромад (фойда) олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш ҳукуқига эга бўлган ташкилий тузилма (фондлар, шерикликлар, ширкатлар, трастлар, жамоавий инвестициялар ва (ёки) ишончли бошқарувнинг бошқа шакллари).».

3. 4-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бенефициар мулкдорларни идентификациялаш, уларнинг шахсини текшириш ва операцияни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ва бошқа мол-мulkнинг келиб чиқишини аниқлаш бўйича мумкин бўлган чора-тадбирлар қўллаш;

юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахсларнинг амалга ошираётган операцияларини чуқур мониторинг қилиш;».

4. 11-баннда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ички ва ташқи вазиятлар ўзгаришини инобатга олган ҳолда ички назорат тизими самарадорлигини мониторинг қиласи ва баҳолаб боради, шунингдек ушбу Қоидалар ва ички қоидалар талабларига риоя қилиниши назоратини амалга оширади;»;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аудиторлик ташкилоти фаолиятида мазкур Қоидалар ва ички қоидалар талабларига риоя қилинмаганлиги бўйича аниқланган камчилик, қоидабузарликларни бартараф этиш, шунингдек ички назорат тизими самарадорлигини таъминлаш учун заруратга қараб уни мустаҳкамлаш юзасидан аудиторлик ташкилотининг раҳбарига кўриб чиқиши учун таклифлар киритади;».

5. 14-банднинг саккизинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш ҳамда улар томонидан ўтказиладиган операцияларини мониторинг қилиш тартиби;».

6. 19-баннда:

учинчи хатбошидаги «профессионал» деган сўз «турдош» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «амалга оширилаётганда» деган сўзлар «аниқлаганда» деган сўз билан алмаштирилсин.

7. 20-баннда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тегишли хужжатлар асосида мижозни текшириш ва идентификациялашни, шунингдек унинг вакилининг шахсини ва ваколатларини текширишни;»; қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Таваккалчилик даражасидан келиб чиқиб мижозни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чораларини кўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини бериш керак. Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқаси борлиги хақида асослантирилган шубҳалар мавжуд бўлганда, мижозни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга ошираётганлиги ошкор бўлиши мумкин бўлган ҳолларда, ушбу мижозга нисбатан мижозни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга оширмасдан маҳсус ваколатли давлат органга шубҳали операция ҳақида хабар юборилишига йўл қўйилади.».

8. 21-бандда:

биринчи хатбоидаги «ва уларнинг яқин қариндошларига» деган сўзлар «, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши «ўрнатиш» деган сўздан кейин «(ёки мавжуд мижозлар учун давом эттириш)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. Қўйидаги мазмундаги 21¹-банд билан тўлдирилсин:

«21¹. Аудиторлик ташкилотлари мазкур Қоидаларнинг 20 ва 21-бандларида назарда тутилган мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган учинчи томонларнинг (Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар) лозим даражада текшириш натижаларига ишонишлари мумкин.

Мазкур ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш натижалари бўйича сўнгги жавобгарлик аудиторлик ташкилотларининг зиммасида қолади. Бунда аудиторлик ташкилотлари:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзасидан зарур бўлган маълумотларни электрон тизимлар орқали, шунингдек идентификациялаш маълумотлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар нусхасини сўров асосида кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

учинчи томон жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари асосида ишлashinga ишонч ҳосил қилишлари керак.

Аудиторлик ташкилотлари мазкур банднинг учинчи-тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган талаблардан бирига риоя қилинмаган тақдирда, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни мустақил равища амалга ошириши керак.».

10. 24-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тегишли чоралар бенефициар мулкдорни аниқлаш имконини бермаса, аудиторлик ташкилотлари юқори раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган шахсларни идентификация қилиши ва уларнинг шахсини текшириш юзасидан ўринли чораларни кўриши керак.».

11. 27-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Ушбу Қоидалар билан юридик шахслар учун ўрнатилган талаблар

юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаларига нисбатан ҳам қўлланилади.».

12. 28-баннда:

биринчи хатбошидаги «профессионал» деган сўз «турдош» деган сўз билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Аудиторлик ташкилотлари Рўйхатга киритилган шахсларга ҳамда уларнинг топшириғига кўра ҳаракат қилаётган шахсларга, шунингдек Рўйхатга киритилган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахсларга хизматлар кўрсатиши тақиқланади.»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

13. 29-баннда:

биринчи хатбоши «ишлаб чиқиши ва» деган сўзлардан кейин «таваккалчилик ҳафига боғлиқ равиша» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

учинчи хатбошидан «(юқори ёки қўйи)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Аниқланган таваккалчиликлар назорат қилишнинг кенгайтирилган ёки соддалаштирилган чораларини қўллаш ҳамда ресурсларни самарали тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини бериш керак.

Аудиторлик ташкилотлари ҳар йили таваккалчиликларни баҳолаш натижаларини «Аудит» дастурий мажмуининг ахборот тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиши керак.

Аудиторлик ташкилотлар махсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ва тавсиявий характерга эга бўлган услубий қўлланмалар асосида таваккалчилик даражасини аниқлаши ва баҳолаши мумкин.».

14. 30-баннда:

«в» кичик банддаги «чет эл корхоналарининг ваколатхоналари» деган сўзлар «юридик шахс ташкил этмаган чет эл тузилмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«ж» кичик банддаги «ва уларнинг яқин қариндошларига» деган сўзлар «, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. Қўйидаги мазмундаги 34¹-банд билан тўлдирилсин:

«34¹. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йилига камида бир марта жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан аудиторлик ташкилотлари фаолиятида таваккалчилик даражасини ўрганишни, таҳлил қилишни ва баҳолашни ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир тегишли чоралар кўради ҳамда бу тўғрисида махсус ваколатли давлат органини хабардор қиласиди.».

16. 39-баннадаги «чиқган» деган сўз «чиқсан» деган сўз билан алмаштирилсин.

17. 41-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Шубҳали операция ҳақидаги хабар аудиторлик ташкилоти томонидан шубҳали операция аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлик маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ маҳсус ваколатли давлат органига берилади.».

18. 43-бандда:

биринчи хатбоидаги «профессионал» деган сўз «турдош» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши «шунингдек» деган сўздан кейин «уч соат ичидা» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

19. 45-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Операцияни тўхтатиш ва тиклашни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкини ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 3327, 2021 йил 19 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширади.».

20. 48-банднинг биринчи хатбоиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. Аудиторлик ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг улар билан боғлик операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотлари хамда материалларини, шу жумладан иш ёзишмаларини ва ўтказилган ҳар қандай таҳлил натижаларини қонунчилик хужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида, лекин операция амалга оширилганидан ёки мижоз билан иш муносабатлар тўхтатилганидан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатда сақлашлари шарт.».

21. 57-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«57. Аудиторлик ташкилотлари томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва маҳсус ваколатли давлат органи томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлик операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик хужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.».

22. 1-иловада:

- 1-банд қўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:
 «Судланганлиги ёки судланмаганлиги тўғрисида маълумот.»;
 3-банднинг «д» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
 «д) мижознинг таваккалчилик даражаси, шунингдек уни пасайтириш ва
 ички назоратни самарадорлигини таъминлаш учун қўлланиладиган чоралар.»;
 қўйидаги мазмундаги 7-банд билан тўлдирилсин:
 «7. Бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизматларни кўрсатишни рад
 этилган мижозлар сони (рад этиш сабаби).».

23. 2-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Мижоз ва унинг бенефициар мулкдорини
 идентификациялашда зарур бўлган
 МАЪЛУМОТ**

1. Тўлиқ, шунингдек давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи.
2. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган маълумотлар (сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи ва бошқа маълумотлар).
3. Солиқ тўловчининг идентификация рақами.
4. Жойлашган жойи (пошли манзили, филиаллар ва ваколатхоналар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар).
5. Мижоз ва бенефициар мулкдорни амалий иш муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар.
6. Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд бўлган лицензиялар тўғрисида маълумотлар: фаолият тури, лицензиянинг рақами ва берилган санаси, ким томонидан берилганлиги, амал қилиш мuddати.
7. Мижоз вакили шахсининг идентификацияси (паспорт, ID-карта ёки унга tengлаштирилган хужжатлар асосида) ҳамда ваколатларини текшириш тўғрисидаги маълумотлар.
8. Мижознинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) ҳақидаги ҳамда уларнинг устав фонди (капитали)даги улушлари, бенефициар мулкдорини идентификациялаш (шахсини ва яшаш жойини аниқлаш, юкори мансабдор шахс, унинг оила аъзоси ёки унга яқин шахс эканлиги тўғрисида белги) тўғрисидаги маълумотлар.
9. Рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги маълумотлар.
10. Мижознинг бошқарув органлари (юридик шахснинг бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби) тўғрисидаги маълумотлар.
11. Боғланиш маълумотлари (телефон рақамлари, электрон почта, вебсайт (агар мавжуд бўлса)).
12. Ички қоидалар билан аниқланадиган бошқа маълумотлар.».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

474 Айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни идоравий норматив-хуқуқий хужжатларнинг давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3404*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий хужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) мувофиқ **буйраман**:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги Конунининг 46-моддасига асосан илгари қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатларга янги норматив-хуқуқий хужжат қабул қилинганлиги муносабати билан зарур ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритилиши ҳамда илгари қабул қилинган барча норматив-хуқуқий хужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги хуқуқий нормаларга зид бўлса ёхуд янги норматив-хуқуқий хужжат билан тўлалигича камраб олинган ёки амалда ўз хуқуқий аҳамиятини ўйқотган бўлса, лекин расман ўз кучини ўйқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини ўйқотган деб топилиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни имкон қадар қисқартириш, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва хуқуқни қўллашга таъсир этмайдиган қонунчилик хужжатларини қайта кўриб чиқиш белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида идоравий норма-

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 декабрда эълон қилинган.

тив-хуқуқий ҳужжатлар сонини мақбуллаштириш ишларини давом эттириш вазифаси белгиланганлиги;

Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) 111-бандига мувофиқ қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштирилмаган идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилиши натижасида юзага келадиган «хуқуқий бўшлиқлар» оқибатлари учун ушбу идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик ва идоралар раҳбарлари жавобгар бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан иловага мувофиқ чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 декабрь,
31-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
аддия вазирининг 2022 йил 21 декабрдаги
31-мҳ-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг давлат
реестридан чиқарилаётган айrim идоравий норматив-
хуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги бош директорининг 2002 йил 10 сентябрдаги 433-сон «Энергетика ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан ишлашни ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1178, 2002 йил 4 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 19-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 30 апрелдаги 84-сон «Энергетика ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан ишлашни ташкил этиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1178-1, 2008 йил 28 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 22-23-сон, 208-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2011 йил 2 июндаги 9-сон «Энергетика ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан ишлашни ташкил этиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1178-2, 2011 йил 29 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 26-сон, 276-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2017 йил 4 декабрдаги 7-сон «Энергетик ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан ишлашни ташкил этиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1178-3, 2018 йил 5 январь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 2011 й., 08.01.2018 й., 10/18/1178-3/0514).

5. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 2 сентябрдаги 295-сон «Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1405, 2004 йил 10 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 36-сон, 405-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2010 йил 13 октябрдаги 194-сон «Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидалари (I бўлим)га ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1405-1, 2010 йил 15 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 46-сон, 419-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2013 йил 8 ноябрдаги 9-сон «Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидаларининг I бўлимига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи (рўйхат рақами 1405-2, 2013 йил 15 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 46-сон, 614-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 7 ноябрдаги 246-мҳ-сон «Текширишларни рўйхатга олиш китобининг шакли ва уни тўлдириш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи (рўйхат рақами 2280, 2011 йил 7 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 45-46-сон, 480-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 26 декабрдаги 306-мҳ-сон «Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруфи (рўйхат рақами 2280-1, 2014 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 52-сон, 638-модда).

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 9 сентябрдаги 226-мҳ-сон «Текширишларни рўйхатга олиш китобининг шакли ва уни тўлдириш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқقا ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи (рўйхат рақами 2280-2, 2016 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 36-сон, 425-модда).

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 6 июндаги 116-мҳ-сон «Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруфи (рўйхат рақами 2280-3, 2017 йил 6 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 23-сон, 481-модда).

12. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 35-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги таълим шаклига номзодлар танловини ўтказиш бўйича методикаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи (рўйхат рақами 2987, 2018 йил 29 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.03.2018 й., 10/18/2987/0961-сон).

13. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 26 февралдаги 86-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги таълим шаклига номзодлар танловини ўтказиш бўйича методикаларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи (рўйхат рақами 2987-1, 2020 йил 18 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.03.2020 й., 10/20/2987-1/0334-сон).

14. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 17 сентябрдаги 260-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги таълим шаклига номзодлар танловини ўтказиш бўйича методикаларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруфи (рўйхат рақами 2987-2, 2020 йил 16 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2020 й., 10/20/2987-2/1393-сон).

15. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг

2018 йил 4 июндаги 14/4-сон «Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 3035, 2018 йил 5 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.07.2018 й., 10/18/3035/1473-сон).

16. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2022 йил 6 июндаги 176-сон «Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги бўйруғи (рўйхат рақами 3035-1, 2022 йил 4 июль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.07.2022 й., 10/22/3035-1/0586-сон).

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизматининг 2018 йил 24 августдаги 58, 50-қк, 7-сон «Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (корайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3059, 2018 йил 25 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.08.2018 й., 10/18/3059/1801-сон).

18. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизматининг 2019 йил 3 сентябрдаги 69, 41, 21-сон «Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (корайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори (рўйхат рақами 3059-1, 2019 йил 4 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 10/19/3059-1/3865-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
 ҚАРОРИ

475 «Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг
 консуллари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга
 ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги
 қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2191-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 17 марта ПФ-89-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишида адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4079-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг 2011 йил 31 январдаги 21-сон ва 1-сон «Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2191, 2011 йил 31 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 6-сон, 49-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Тошкент ш.,
 2022 йил 22 декабрь,
 5-сон

А. ТАШКУЛОВ

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 декабрда эълон қилинган.

Ташқи ишлар вазири**В. НОРОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 21 декабрь,
75-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигининг 2022 йил 22 декабрдаги
5-сон ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг
2022 йил 21 декабрдаги 75-сон қарорига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг
консуллари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги
қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорнинг муқаддимаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги **қарор қиласиди**:».

2. Йўриқномада:

1) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари (бундан бўён матнда консуллар деб юритилади) томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартибини белгилайди.»;

2) 1-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави 60-моддасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставининг 27-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 11-бандда:

учинчи — бешинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — биометрик паспорт, шу жумладан хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки дипломатик паспорт;

16 ёшга тўлмаган фуқаролар — хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

харбий хизматчилар — хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки шахсий ҳарбий гувоҳномалар ва харбий билетлар;»;

еттинчи хатбошидаги «йўл хужжати» деган сўзлар «ҳаракатланиш хужжати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4) 18 ва 74-бандлардаги «доимий рўйхатга олинган» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 39-банднинг бешинчи хатбошисидаги «доимий рўйхатга олинган» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 66-банднинг иккинчи хатбошидаги «доимий рўйхатга олинган» деган

сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 80-банднинг учинчи хатбошисидаги «доимий рўйхатга олинган» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 25-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «консуллик бошқармаси» деган сўзлар «Консуллик-хукуқий департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 33-баннда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Консул нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича консуллик йифими ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йифимни ундиради.»;

учинчи хатбошисидаги «Консуллик бошқармаси» деган сўзлар «Консуллик-хукуқий департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 35-банднинг иккинчи хатбошисидаги «руҳий касаллиги» деган сўзлар «руҳий ҳолати бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 69-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидағи «давлат нотариал идорасига» деган сўзлар «идоравий нотариал архивга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 81-банднинг иккинчи хатбошисидаги «давлат нотариал идорасида» ва «давлат нотариал идорасига» деган сўзлар тегишли равишда «идоравий нотариал архивда» ва «идоравий нотариал архивга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 91-банднинг учинчи хатбошисидаги «Энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «Базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 152-банддаги «ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 202-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарздорнинг номи ва манзили, қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг СТИРи;»;

16) 217-банднинг иккинчи хатбошисидан «(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

17) қўйидаги мазмундаги IV¹-боб билан тўлдирилсин:

«IV¹-боб. Консуллар томонидан тасдиқланган нотариал ҳаракатлар билан боғлиқ ҳужжатларни идоравий нотариал архивга топшириш ва қабул қилиш

219. Консуллар ўзлари томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар билан боғлиқ ҳужжатларнинг (бундан буён матнда нотариал ҳаракат ҳужжатлари деб юритилади) бут сақланишини таъминлаши лозим.

219¹. Консуллар томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракат ҳужжатлари консуллик муассасасида уч йил давомида сақланади.

Нотариал ҳаракат ҳужжатлари консуллик муассасасида уч йил муддат сақлангандан сўнг, консул уларни идоравий нотариал архивга топшириш учун ўйғамажилдга тартиб билан тикилган ва мундарижа илова қилган ҳолда Ташқи ишлар вазирлигига ҳар йили январь ойининг 20 санасига қадар юборилишини таъминлайди.

219². Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик муассасалари томонидан юборилган нотариал ҳаракат ҳужжатларини ҳар йили январь ойининг 30 санасига қадар Адлия вазирлигига юборади.

219³. Адлия вазирлиги нотариал ҳаракат ҳужжатларини улар келиб тушган кундан бошлаб ўн беш иш куни ичида тегишлилиги бўйича идоравий нотариал архивларга юборилишини таъминлайди.

219⁴. Нотариал ҳаракат ҳужжатлари идоравий нотариал архивларга келиб тушгандан, тегишли адлия бошқармасида ташкил этилган эксперт комиссияси мазкур ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб ўн беш иш куни ичида уларнинг мазкур Йўриқноманинг 219¹-бандида назарда тутилган талаблар доирасида расмийлаштирилганлигини ўрганиб чиқади.

219⁵. Ўрганиш натижасида нотариал ҳаракат ҳужжатлари мазкур Йўриқноманинг 219¹-бандида белгиланган талабларга мувофиқ деб топилганда, масъул ходим уларни сақлаш учун қабул қиласди.

219⁶. Ўрганиш натижасида нотариал ҳаракат ҳужжатлари мазкур Йўриқноманинг 219¹-бандида белгиланган талабларга мувофиқ эмас деб топилганда, эксперт комиссияси уларни сақлаш учун қабул қилишни рад этади. Бунда, идоравий нотариал архив томонидан нотариал ҳаракат ҳужжатлари аниқланган камчиликлар кўрсатилган ҳолда уч иш куни ичида тегишли хат билан Адлия вазирлигига юборилади.

219⁷. Адлия вазирлиги аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун идоравий нотариал архивнинг хатини илова қилган ҳолда уч иш куни ичида нотариал ҳаракат ҳужжатларининг Ташқи ишлар вазирлигига юборилишини таъминлайди.»;

219⁸. Ташқи ишлар вазирлиги нотариал ҳаракат ҳужжатлари қайтариб юборилган вақтдан бошлаб ўн беш иш куни ичида Адлия вазирлиги томонидан кўрсатилган камчиликларнинг бартараф этилишини ҳамда нотариал ҳаракат ҳужжатларининг Адлия вазирлигига қайта юборилишини таъминлайди.»;

18) V-бобнинг номидаги «қоидалар» деган сўз «қоида» деган сўз билан алмаштирилсин;

19) 219-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ
 ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
 ҚАРОРИ

476 Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
23 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 9 августдаги 344-В ва 26-сон қарори (рўйхат рақами 2925, 2017 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 968-модда) билан тасдиқланган Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 24 ноябрь,
344-В-8-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 23 декабрда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 ноябрь,
31-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
24 ноябрдаги 344-В-8-сон ва Иқтисодий
жиноятларга қарши курашиш
департаментининг 2022 йил 21 ноябрдаги
31-сон қарорига
ИЛОВА

**Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Қўйидаги мазмундаги 6¹-банд билан тўлдирилсин:

«6¹. Нобанк кредит ташкилотининг назорати остида ёки аҳамиятли таъсири доирасида битта ёки бир нечта пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар бўлган тақдирда ички қоидалар гурухий ёндашув асосида ишлаб чиқилиши ва қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш ва мижозларни лозим даражада текшириш учун зарур бўлган маълумотларни алмашиш қоидалари ва тартиб-таомиллари;

комплаенс назоратни, аудитни ва (ёки) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш функцияларини гурух даражасида таъминлаш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадлари учун зарур бўлган ҳолларда филиаллардан ва шуъба корхоналардан уларнинг мижозлари, ҳисобвараклари ва операциялари тўғрисидаги маълумотларни олинишини таъминлаш;

махфийликни ва маълумотлардан фойдаланишни етарли даражада химоя қилиш.».

2. 10-банднинг иккинчи хатбошисидан «ёки бош бухгалтерга» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 15-банддаги «кўрсатилган ҳоллар» деган сўзлар «кўрсатилган ҳолат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 17-бандда:

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ички назорат хизмати раҳбари нобанк кредит ташкилотининг ижро этувчи (ижроия) органи аъзоси ёки раҳбарининг ўринбосари бўлиб ҳисобланади.»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансан.

5. 39-банднинг учинчи хатбошисидаги «камайтиришга» деган сўз «минималлаштириш юзасидан режаларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 40-банд қўйидаги мазмундаги «з¹» кичик банд билан тўлдирилсин:

«з¹) Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари — жисмоний шахслар;».

7. 52-банднинг бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ишга солмасдан тўхтатиб қўйилган пул маблағлари ёки бошқа молмулк билан боғлик бўлган шубҳали операция тўғрисидаги хабарни маҳсус ваколатли давлат органига юбориш учун тайёрлаш;».

8. 71-банд «Нобанк кредит ташкилотлари,» деган сўзлардан кейин «шу жумладан, ташкилотнинг ижро этувчи (ижроия) органи,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. 74-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг фаолияти самарадорлигини мониторинги ички аудит хизмати ёки ташқи аудит томонидан амалга оширилади.».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2022 йил 29 ноябрдаги 326-сон «Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли бўш турган давлат кўчмас мулк обьектларини уларнинг розилигисиз ижарага бериш ёки сотиш учун савдога чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи.

2022 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3403.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 17 декабрда ги 29-мҳ-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

2022 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2547-5.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 19 декабрдаги 30-мҳ-сон «Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган хуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

2022 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3235-3.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 30 ноябрдаги 13-2022-сон «Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2791-3.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 6 декабрдаги 14-2022-сон «Кўчмас мулк бўйича кадастр мухандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек

унга ўзгартериш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги бўйруфи.

2022 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3211-2.

6. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 23 ноябрдаги 16-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажмини тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруққа ўзгартеришлар киритиш тўғрисида»ги бўйруфи.

2022 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3108-2.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 9 декабрдаги 66-сон «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартеришлар киритиш ҳақида»ги бўйруфи.

2022 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169-7.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 15 ноябрдаги 62-сон ва Бosh прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2022 йил 7 ноябрдаги 29-сон «Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3101-2.

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 21 декабрдаги 31-мҳ-сон «Айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни идоравий норматив-хуқуқий хужжатларнинг давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги бўйруфи.

2022 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3404.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 22 декабрдаги 5-сон ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг 2022 йил 21 декабрдаги 75-сон «Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2191-1.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 24 ноябрдаги 344-В-8-сон ва Бosh прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2022 йил 21 ноябрдаги 31-сон «Но-

банк кредит ташкилотларида жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартеришлар киритиш хақида»ги қарори.

2022 йил 23 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-8.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография давлат кадастри давлат қўмитасининг 2016 йил 27 апрелдаги 34-сон «Ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2791, 2016 йил 24 май), шунингдек унга ўзгартеришлар (рўйхат рақами 2791-1, 2017 йил 22 декабрь), (рўйхат рақами 2791-2, 2021 йил 21 октябрь).

2022 йил 21 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 17 декабрдаги 11-сон «Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 3211, 2020 йил 17 январь), шунингдек унга ўзгартериш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 3211-1, 2022 йил 9 сентябрь).

2022 йил 21 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги бош директорининг 2002 йил 10 сентябрдаги 433-сон «Энергетика ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан ишлашни ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1178, 2002 йил 4 октябрь), шунингдек унга ўзгартериш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1178-1, 2008 йил 28 май), (рўйхат рақами 1178-2, 2011 йил 29 июнь), (рўйхат рақами 1178-3, 2018 йил 5 январь).

2022 йил 22 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 2 сентябрдаги 295-сон «Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1405, 2004 йил 10 сентябрь), шунингдек унга ўзгартеришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 1405-1, 2010 йил 15 ноябрь), (рўйхат рақами 1405-2, 2013 йил 15 ноябрь).

2022 йил 22 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазиригининг 2011 йил 7 ноябрдаги 246-мҳ-сон «Текширишларни рўйхатга олиш китобининг шакли ва уни тўлдириш тартибини тасдиқлаш хақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2280, 2011 йил

7 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2280-1, 2014 йил 26 декабрь), (рўйхат рақами 2280-2, 2016 йил 9 сентябрь), (рўйхат рақами 2280-3, 2017 йил 6 июнь).

2022 йил 22 декабря давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 35-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги таълим шаклига номзодлар танловини ўтказиш бўйича методикаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2987, 2018 йил 29 март), шунингдек унга ўзгартирishлар (рўйхат рақами 2987-1, 2020 йил 18 март), (рўйхат рақами 2987-2, 2020 йил 16 октябрь).

2022 йил 22 декабря давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/4-сон «Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3035, 2018 йил 5 июль), шунингдек унга ўзгартирish (рўйхат рақами 3035-1, 2022 йил 4 июль).

2022 йил 22 декабря давлат реестридан чиқарилди.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизматининг 2018 йил 24 августдаги 58, 50-ққ, 7-сон «Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартирishга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3059, 2018 йил 25 август), шунингдек унга ўзгартирish ва қўшимчалар (рўйхат рақами 3059-1, 2019 йил 4 октябрь).

2022 йил 22 декабря давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартирish киритилиши ва/ёки янги норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

